

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**



«Касб таълими» факультети

Касб таълими «Иқтисодиёт» кафедраси

4-КТБҲА-08 гуруҳ талабаси

САЙАХМЕДОВ ФАЙЗУЛЛОНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Акционерлик жамиятларида қимматли қоғозлар ҳисоби
ва таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари мавзусини интерфаол
усулда ўқитиш**

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц.И.Сирожиддинов

Наманган-2012 йил

АННОТАЦИЯ

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағлар миқёсини оширишни, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини такомиллаштиришни, инвестицияларни кўпроқ самарали ва рақобатдош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутди.

Қимматли қоғозлардан корхонанинг келажак даврларда ҳам барқарор ва жадал ривожланишини таъмин этиш учун фойдаланилади. Шунга мувофиқ ҳолда ҳозирда улардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг ҳаммаси қимматли қоғозлар ҳисоби ва таҳлили билан боғлиқ масалаларнинг долзарб аҳамият касб этишини белгиламоқда.

Мундарижа

Кириш

1-боб. Акционерлик жамиятларида қимматли қоғозлар ҳисоби

1.1. Акционерлик жамиятлари фаолиятининг ҳуқуқий-меёрий асослари

1.2. Акционерлик жамият капиталини шакллантиришда чиқарилган акциялар ҳисобини юритиш

1.3. Акционерлик жамиятларида қимматли қоғозларга қўйилмалар ҳисоби

1.4. Қимматли қоғозлардан даромадлар ҳисоби

2-боб. Акционерлик жамиятларида қимматли қоғозлар таҳлили

2.1. Устав капитали ва унинг шаклланиши таҳлили.

2.2. Акционерлик жамиятининг бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларига қўйилмалари таҳлили.

3-боб. Мавзуни интерфаол усулда ўқитиш

3.1. Ўқитишнинг интерфаол усули мазмуни ва аҳамияти.

3.2. Маъруза машғулотида интерфаол усулнинг қўлланиши.

3.3. Амалий машғулотида интерфаол усулнинг қўлланиши.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш ва жаҳон молиявий инкирози таъсири шароитларида корхоналарнинг молиявий барқарор фаолият олиб боришларида қимматли қоғозлар ва уларга молиявий инвестициялар муҳим рол ўйнамоқда. Қимматли қоғозларга молиявий инвестициялар корхонанинг маблағларида оқилона фойдаланишга, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга, корхонанинг рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

Юртбошимизнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида таъкидланганидек, “Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган (2011 йилга) йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиги ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши, айниқса, эътиборлидир. Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради”¹.

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағлар миқёсини оширишни, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини такомиллаштиришни, инвестицияларни кўпроқ самарали ва рақобатдош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутати.

Қимматли қоғозлардан корхонанинг келажак даврларда ҳам барқарор ва жадал ривожланишини таъмин этиш учун фойдаланилади. Шунга мувофиқ ҳолда ҳозирда улардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг ҳаммаси қимматли қоғозлар ҳисоби ва таҳлили билан боғлиқ масалаларнинг долзарб аҳамият касб этишини белгиламоқда.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Мамлакатимизда қимматли қоғозлар ҳисоби ва таҳлили масалалари алоҳида масала сифатида ўрганиб чиқилмаган бўлсада, унинг турли жиҳатлари бухгалтерия ҳисоби бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий монографиялар ва мақолаларда муҳокама этиб келинмоқда.

Шу нуктаи назардан, тадқиқ этилаётган мавзуга оид жиҳатлар А.Сотволдиев, Б.Ҳошимов, А. Каримов, Ф. Ғуломова, И. Завалишина, О. Бобожонов, Р. Жуманиёзов, Т.Маликов, Р. Дусмуродов ва бошқалар томонидан ёритилганлигини қайд этиш мумкин.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади корхоналарда қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити масалаларини ўрганиб чиқишдан иборат.

Мувофиқ равишда иш олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- жаҳон молиявий инкирози шароитларида корхонанинг қимматли қоғозларга молиявий инвестициялари моҳияти ва турларини ўрганиб чиқиш;
- корхона қимматли қоғозларнинг баҳоланиши ва ўлчанишини ёритиш;
- корхона қимматли қоғозлардан даромадларининг синтетик ва аналитик ҳисобини тавсифлаш;
- корхона қимматли қоғозлари таҳлилининг асослари ва режалаштирилишини асослаб бериш;
- мавзунинг ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.

Ишнинг методологик асосини Президент И.А. Каримовнинг иқтисодий ислохотлар йўналишлари асослаб берилган асарлари, мамлакатимизнинг солиқ ва

¹ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 19-бет.

бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги, бухгалтерия ҳисоби фанининг назарий қоидалари ташкил этади.

Битирув ишини бажаришда илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантикий ёндашув усуллари қўлланган.

Ишнинг предмети қимматли қоғозлар ҳисоби ва таҳлили билан боғлиқ масалалардир.

Ишнинг натижаларидан мавзуни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув-малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланишган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, бетда баён этилган.

Киришда мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлиги, мақсад ва вазифалари ёритилган.

Биринчи бобда акционерлик жамиятларида қимматли қоғозлар ҳисобини ташкил этиш ёритилган.

Иккинчи бобда акционерлик жамиятларида қимматли қоғозлари таҳлили тадқиқ қилинган.

Учинчи бобда эса, мавзуни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллаш масалалари ва мавзуни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган.

Хулосада ишнинг умумий натижалари акс эттирилган.

5. êçï÷-èèèê òíèèaðàà íààèè àèòèÿäíðíè àèòèÿàà êàèààèàí àèàèàíàèàð
 □èçè□òèðààè. Êíððíà ààðííààè êçíðí □èñíè àèàèàíàèàðàà òà□ñèíèàà þáíðèèèøè
 ÿà êíððíà òàðà□□è,ðèàà ñàèáèè òàùñèð ÿòààè. Øóíèíà ó-óí ;çáàèèñòíí Ðãñíóáèèèàñè
 □ííóí÷-èèèèè àèàèàíàèàð òçèàà ááðèèèèèèè àèòèÿäíðèèè æàíèÿðèíèíà òçèíà
 □íáèèèÿòèàà □àí áí□èèè □èèèá □çèàáí. Óíóíàí íèàáíàà àèòèÿäíðèèè æàíèÿðèíèíà
 àðçàèèèèèèèèèè óíèíà èàí÷-èèèèèèèèèèè íèñààðàí íó□èí ðààèøàà óñòóí óððààè.

дивиденд) олиш ҳукукини бериши мумкин. Масалан, купонлар ёки қимматли қоғозларни сотиш ҳуқуқлари, опцион ва хоказолар.

Ёрдамчи қоғозлар ҳам мустақил (қимматли қоғоз сифатида) муомалада юритилиши мумкин.

Қимматли қоғозларни эгаларига беришни расмийлаштирилишига кўра айланма қоғозларга ажратилади. Айланма қоғозларга хазина ва тижорат векселлари, тақдим этувчига тегишли акция ва облигациялар, чеклар, депозит сертификатлар ва бошқалар киради ва уларни бир эгасидан иккинчисига бериш ҳисоб-китобида тегишли ёзувлар расмийлаштирилмайди.

Алоҳида молиявий воситапарнинг ҚҚБда айланиш хусусиятларига қараб қимматли қоғозлар бозор ва нобозор (рўночнўе и нерўночнўе) қоғозларига бўлинади. Биринчи турдаги қимматли қоғозлар биржа ва биржадан ташқари муомалада эркин олди-сотди қилинади ва эмитентга муддатидан олдин қайтарилиши мумкин эмас. Нобозор қимматли қоғозлар иккиламчи муомалага киритилмайди, лекин эмитентга муддатидан олдин қайтарилиши мумкин. Масалан: турли хил давлат мажбуриятлари, меҳнат жамоаси акциялари ва бошқа қоғозлар.

Қимматли кснтелар улар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишдаги эгаларининг ҳуқуқларига қараб қуйидагиларга бўлинади:

-тақдим этувчига тегишли қоғозлар. Қимматли қоғозлар эгасининг мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқлаш ва рўёбга чиқариш учун уларни тақдим этишнинг ўзи етарли ҳисобланади. Уларга тақдим этувчининг чеки, акцияси ва облигацияси; тақдим этувчининг омонат гувоҳномаси, омборхона тилхатлари ва бошқалар киради.

-Ордерли қимматли қоғозлар - эгаларининг ҳуқуқлари уларни бериш ҳисоб-китобидаги тегишли ёзувлар билан биргаликда тақдим этилганда эътироф этилади.

- Номли қимматли қоғозлар. Бундай; қоғоз эгаларининг ҳуқуқлари қоғоздаги матнда эгасининг номи қайд этилиши ва бундай қоғозларни рўйхатга олиш китобида тегишли ёзувлар мавжуд бўлган ҳолда тасдиқлзйади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра қимматли қоғозларнинг қуйидаги турлари амал қилади:

- Акция;
- Облигация;
- Ҳазина мажбуриятлари;
- Депозит сертификатлари;
- Векселлар.

Корпоратив қимматли қоғозлар иккиламчи бозори ривожланишига тўсқинлик қиладиган омиллар.

• Қимматли қоғозларнинг паст ликвидлилигӣ (қимматли қоғозларнинг тез фурсатларда

- пулга айлантириш имконияти);
- Маълумотларни ёритишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги;
- Бир транзакциянинг юқори қиймати;
- Қимматли қоғозларнинг паст даромад келтириши;
- Қимматли қоғозлар курс баҳосининг нисбатан секин ўсиш суръати;
- Инвестициявий воситачилар ва бошқа институтларнинг қамлиги.
- Бошқа омиллар.

Таснифлаш белгилари	Қимматли қоғозлар турлари
Амал қилиш муддати	Муддатли қимматли қоғозлар (қиска, ўрта ва узок муддатли). Муддатсиз қимматли қоғозлар (абадӣ)

Келиб чиқиши	Бирламчи қимматли қоғозлар, активларга асосланада ва унга қимматли қоғозларнинг ўзи кирмайди (акция, облигация, вексель ва б.). Иккламчи қимматли қоғозлар - бирламчи қимматли қоғозлар асосида чиқарилади (қимматли қоғозларга варрантлар, депозитар тилхатлар ва б.).
Мавжудлик шакли	Қоғозли ёки ҳужжатли қоғозсиз, ёки ҳужжатсиз
Миллий мансублиги	Миллий, хорижий
Фойдаланиш типи	Инвестициявий, яъни капитал қўйилмалар объекти сифатидаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, фьючерс ва б.) Ноинвестициявий, маҳсулот ва бошқа бозорларда ҳисоб китобларга хизмат килувчи қимматли қоғозлар (вексель, чек, коносаментлар)
Эгалик қилиш тартиби	Такдим этувчига тегишли қоғозлар. Қимматли қоғозлар эгасининг номи ёзилмаган ва мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқлаш ва рўёбга чиқариш учун уларни такдим этишнинг ўзи етарли ҳисобланади. Номли қимматли қоғозлар. Бундай қоғоз эгаларининг ҳуқуқлари қоғоздаги матнда эгасининг номи кайд этилиши ва бундай қоғозларни рўйхатга олиш китобида тегишли ёзувлар мавжуд бўлган ҳолда тасдиқланади
Чиқариш шартлаи	Эмиссион қимматли қоғозлар, одатда йирик партия ва кўп миқдорда чиқарилади ва ҳар бир сериядаги қимматли қоғозлар мутлоқ бир хил бўлади Ноэмиссион қимматли қоғозлар - кичик ҳажмда ёки доналаб чиқарилади.
Мулкчилик шакли	Давлат қимматли қоғозлари, Нодавлат қимматли қоғозлари: корпорациялар (корхона, ташкилот ва банк муассасалар ёки жисмоний шахслар) томонидан чиқарилади ва муомалага киритилади.
Муомалада бўлиш характери	Бозор ва нобозор қоғозларига бўлинади. Бозор қимматли қоғозлари биржа ва биржадан ташқари муомалада эркин олди-сотди қилинади ва эмитентга муддатидан олдин қайтарилиши мумкин эмас. Нобозор қимматли қоғозлар иккиламчи муомалага киритилмайди-, лекин эмитентга муддатидан олдин қайтарилиши мумкин
Таваккаллик даражаси	Тавккалсиз, кам таваккалли, таваккалли.
Даромади	Даромадли, даромадсиз.
Маблағ кўйиш шакли	Қарз қоғозлари - катъий фоиз ва қайтариш муддатига эга қимматли қоғозлар (облигация, вексель, банк сертификати) Эгалик улушини тасдиқловчи қимматли қоғозлар - уларни чиқарган шахснинг активига мулкӣ эгалик қилиш ҳуқуқи (акция, варрант, коносамент ва б.)

Иқтисодий моҳияти	Акция, облигация, вексель ва б.
Муомала шакли	Конвертирланадиган - бошқа қимматли қоғозлар (акция, облигация) билан чиқариш шартларига мувофиқ эркин айирбошланади. Конвертирланмайдиган-оддий ва бошқа қимматли қоғозлар билан айирбошланмайди.
Активлар билан таъминланганлик	Тъмииланган қимматли қоғозлар- активлар (мулк, қимматли қоғозлар) билан таъминланади. Таъминланмаган қимматли қоғозлар.
Даромад олиш усули	Тебранувчи (сузувчи) даромад олиш-банк фоизи, баҳо индекси, инфляция ва валюта курси ўзгаришига боғлиқ. Қатъий даромад келтирувчи қимматли қоғозлар - чиқариш пайтида эмиссия проспектида белгилаб қўйилган.
Даромад олиш тамойиллари	Фоизсиз - даромад сотиб олиш ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқдан олинади, яъни фоизлар номинал баҳога киритилган. Фоизли- 1) купонли, 2) ютукли қимматли қоғозлар
Қоплаш муддатини тартибга солиш	Муддати чўзилган(қисқартирилган)- фоиз миқдори оширилган (камайтирилган) ва қоплаш муддати кечиктирилган (қисқартирилган) облигацияларга алмаштириш мумкин Серияли - фоиз ставкасини камайтириш билан бир вақтда босқичма-босқич қоплаб борилади.

1. Қимматли қоғозлар эмиссияси - бу қимматли қоғозларнинг (қ.қ.) эмитент томонидан

жойлаштиришда қонуний йўлга қўйилган ҳаракатлар кетма-кетлигидир.

2. Акцияни жойлаштириш усуллари:

акциядорлик жамияти ташкил этилганда акциядорлар ўртасида тақсимданиши (акциянинг

бирламчи жойлаштирилиши) > жамият мулк ҳисобига устав капитали ошганда қўшимча акцияларнинг акциядорлар ўртасида

тақсимланиши 1 ёпиқ обуна

- очик обуна

- конвертация - (қўшимча қ.қоғозларни бошқа қ.қоғозларга ва акцияларни акцияларга)

- жамият қайта ташкил қилинганда акцияларни жойлаштириш

3. Қимматбаҳо қоғозларни жойлаштиришдаги қарорлар қабул қилиш қуйидаги сабабларга кўра юзага келади:

- акциядорлик жамияти устав капиталини ошириш мақсадида қўшимча акцияларни муомалага чиқарса

- акциянинг номинал қийматини ошириш ҳисобига устав капиталини оширса

- устав капитали ҳажмини ўзгартирмасдан акциялар номинал қиймати оширилса

- акциянинг номинал қийматини камайтириш ҳисобига устав капитали камайтирилса

- акцияларга доир ҳуқуқлар бўйича жамият низомига ўзгартиришлар киритилса

- акцияларни консолидация қилишда

- акция номиналини майдалаш

- облигацияларни жойлаштиришда

4. Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш қарорига келиш ўзида кузатув кенгашлари тасдиқлаган ва улар томонидан белгиланган қонуний ҳужжатни намоён этади.

5. Қимматбаҳо қоғозларни жорий қилиш тартиби:

- акциядорлик жамияти умумий мажлисида ёки кузатув кенгаши томонидан қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириш бўйича қарор қабул қилиш;
- кузатув кенгаши томонидан қ-қоғозларни жорий қилиш қарорининг тасдиқланиши;
- Қ- қоғозлар эмиссияси проспектини тайёрлаш;
- қ. қоғозлар чиқарилишини ва проспектини давлат рўйхатидан ўтказиш;
- қ. қоғозлар сертификатини тайёрлаш ва эмиссия проспектидаги маълумотларни баён қилиш;

- қ. қоғозларни жорий қилиш;

- қ. қоғозларнинг чиқарилиши якунлари ҳисоботини рўйхатга олиш;

- якуний ҳисоботдаги маълумотларни баён қилиш;

- Низомга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

6. Акциядорлар ўртасида қўшимча акциялар тақсимланиши манбалари қамда номинал қийматнинг ошиши ҳисобига устав капиталининг ортиши (эмиссия даромад) бу:

- акциядорлик жамияти - эмитент томонидан акцияни номинал қийматидан юкори баҳода сотишдан олинган манбалар;

- ўтган йил якунлари бўйича, акционерлик жамияти - эмитент томонидан ажратилган махсус фондлардан қолган қолдиқлар;

- ўтган йил якунлари бўйича, акционерлик жамияти - эмитент томонидан тақсимланмаган фойда;

- акционерлик жамияти - эмитент томонидан ҳисобланган, лекин тўланмаган ва акциядорларнинг розилиги билан тегишли солиқлар ушланиб, қайта капитализация қилиниши мумкин бўлган дивидендлар;

7. Акцияларнинг жойлаштирилиши ва муомалага қўйилишини тўхтатиш, уларни бекор қилиш ва давлат рўйхатидан чиқарилишидир. Рўйхатдан ўтказувчи давлат органи қуйидаги ҳолларда акцияларни жойлаштиришни тўхтатиши мумкин:

- Эмиссия проспектида кўрсатилган талабларнинг бузилиши (акция чиқариш анкетаси) ҳамда амалда жойлаштирилиши керак бўлган омиссия хажмининг ортиб кетганлиги;

- Акцияларни жойлаштириш бўйича маълумотларни ва ҳисоботларни рўйхатга олувчи органга тақдим қилмаслик;

- Ёлғон ёки шубҳага солувчи маълумотларнинг тақдим қилиниши ҳамда агар бу маълумотлар инвесторларни тўлиқроқ хабардор бўлиши билан боғлиқ бўлса ва акция чиқарилиши тапабларини ўзгартирса;

1.3. Акционерлик жамиятларида қимматли қоғозларга қўйилмалар ҳисоби

Қарз қимматли қоғозлари – корхоналар билан кредиторлик муносабатларини кўрсатувчи инструмент, яъни воситалардир. Қарз қимматли қоғозларига корпоратив облигациялар, конвертирланадиган қарзлар, тижорат қоғозлари ва барча таъминланган қарз қимматли қоғозлари мисол бўла олади. Олинадиган савдо қарздорлиги ва олинадиган кредитлар қарз қимматли қоғозлари ҳисобланмайди, чунки улар қимматли қоғозлари тавсифига тўғри келмайди.

Қарз қимматли қоғозларига инвестициялар ҳисобот ва ҳисоб мақсадларида учта қатта категорияга бўлинади. Булар қуйидагилардир:

- *Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган:* Бу категорияга корхоналарнинг тўплаган ва қайтариш вақтигача ушлаб туриладиган қарз қимматли қоғозлари қиради.

- *Савдо:* Бу категорияга баҳодаги кичик фарқлар бўйича даромад мақсадида яқин келажақда сотиш учун мўлжалланиб, сотиб олинган ва ушлаб турилган қарз қимматли қоғозлари қиради.

- *Сотишга алоқадор*: Бу категорияга қайтариш вақтигача ушлаб туриладиган ёки савдо қарз қимматли қоғозлари каби классификацияланмайдиган қарз қимматли қоғозлари киради.

Қарз қимматли қоғозларининг категориялар бўйича ҳисоби

Категория	Баҳолаш	Қайта баҳолаш
<i>Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган: қиймат</i>		
<i>Савдо</i>	<i>Ҳаққоний қиймат</i>	<i>Соф даромад сифатида тан олинади.</i>
<i>Сотишга алоқадор</i>	<i>Ҳаққоний қиймат</i>	<i>1) Соф даромад сифатида тан олинади ёки 2) Акционерлик капиталининг алоҳида компоненти сифатида тан олинади.</i>

Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар.

Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар амортизацияланадиган қиймат бўйича ҳисобга олинади. Фараз қиламиз, 2008 йил 1 январда «Robinson» компанияси «Evermaster» корпорациясининг қиймати 100000 сўм бўлган 8% облигацияларини

92,278 сўм тўлаб сотиб олди. Облигациянинг қайтариш муддати 2003 йил 1 январга тўғри келади; фоиз тўловлари ҳар 1 июль ва 1 январда амалга оширилади. Чегирма 7,722 (100 000-92.278) фоиз даромадини 10% ҳажмда берди. Инвестицияларни акс эттирувчи проводкалар қуйидагича кўриниш олади.

2008 йил 1 январь

Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар 92,278

Пул маблағлари

92,278

Облигацияларга узоқ муддатли инвестициялар бўйича чегирма ва мукофотлар худди тўланадиган облигациялар бўйича чегирма ва мукофот каби амортизация қилинади.

Расм

Облигациялар бўйича чегирмаларни амортизацияси ва фоиз фойдаси жадвали- эффективли фоиз усули

8% ли остиб олинган облигациялар 10% фойда беради.

Кун	Олинган пул маблағлари	Фоиз фойдаси	Облигациялар бўйича чегирма амортизацияси	Облигация баланс
қиймати				
1.1.08				
92.278сўм				
1.7.98	4000		4.614	614
92.892				
1.1.99	4000		4.645	645
93.537				

1.1.99	4000	4.677	677
94.214			
1.1.00	4000	4.711	711
94.925			
1.7.00	4000	4.746	746
95.671			
1.1.01	4000	4.783	783
96.454			
1.7.01	4000	4.823	823
97.277			
1.1.02	4000	4.864	864
98.141			
1.7.02	4000	4.907	907
99.048			
1.1.03	4000	4.952	952
100000			
	40 000	47.722	7.722
4000 тенг $100\,000 \cdot 0.08 \cdot 6/12$			
4614 тенг $92.278 \cdot 0.10 \cdot 6/12$			
614 тенг $92.278 \cdot 0.10 \cdot 6/12$			
92.892 тенг $92.278 \cdot 614$			

2008 йил 1 июлга биринчи ярим йиллик фоиз тўловларини олиш бўйича журнал проводкаси.

2008 йил 1 январь

Пул маблағлари 4000

Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар 614

Фоиз бўйича даромад 4614

«Robinson» компанияси календар йили асосида ҳисоб юритади, 1998 йил 31 декабрь ҳолатига қуйидаги тарзда чегирмани амортизация қилади ва фоиз ҳисоблайди.

2008 йил 31 декабрь

Пул маблағлари 4000

Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар 645

Фоиз бўйича даромад 4645

Расм

Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган қимматли қоғозларни акс эттириш

Баланс ҳисоботи	
Жорий активлар	
Олинадиган фоизлар	4000
Узоқ муддатли инвестициялар. Қайтарилгунгача ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар, амортизация қиймати бўйича	93,537
Молиявий-хўжалик фаолиятлари натижалари тўғрисида ҳисобот	
Бошқа фойда ва даромадлар	

Савдо қимматли қоғозлари.

Савдо қимматли қоғозларига одатда 3 ойдан кўп бўлмаган муддатга эгалик қилинади. Ушбу қимматли қоғозлар ҳақиқий қиймати бўйича акс эттирилади. Мукофот ёки чегирмалар

амортизация қилинмайди. Мисол учун қуйидаги масалани кўриб чиқамиз. «Western publishing» корпорациясининг 2009 йил 31 декабрга савдо қимматли қоғозлари портфели қуйидагича кўриниш олди.

Расм

*Савдо қимматли қоғозларини ҳақиқий қийматигача
корректировкалаш ҳисоб - китоби*

2009 йил 31 декабрга савдо қимматли қоғозлар портфели			
Инвестициялар	Қиймат	Жорий қиймат	Фойда
«BurlingtonNorthern» компаниясининг 10%ли облигациялари	\$ 43.860	\$ 51.500	\$7.640
«Chrysler» корпорацияси 11 % ли облигациялари	184,230	175,200	(9,030)
«Time Warner» компаниясининг 8% ли облигациялари	86,360	91,500	5,140
Жами портфель:	\$ 314.450	\$ 318.200	\$3.750

«Western» компаниясининг савдо қимматли қоғозлар портфели умумий қиймати 314,450сўм ни ташкил этади. Ялпи фойда 12,780 (7,640Қ5.140), қайта баҳолашдан кейинги ялпи зарар эса 9,030 сўмни ташкил этди. Сўнги натижа эса жами фойда қайта баҳолашдан 3,750сўм эканлигини кўрсатади.

31 декабрь ҳолатига эгалик қилишдан олинган фойда ҳисобини ва қийматнинг ошиши ҳисоби учун ҳақиқий қийматгача қимматли қоғозларни корректировкалаш бўйича проводка берилди.

2009 йил 31 декабрь

Савдо қимматли қоғозлари	3,750
Қайта баҳолашдан фойда	3,750

1.4. Қимматли қоғозлардан даромадлар ҳисоби

Корхона ихтиёрида булган қимматли қоғозларнинг барчаси инвестицион портфель дейилади. Бошланишида жорий инвестициялар ҳиобда сотиб олиш қиймати бўйича акс эттирилиб, у сотиб олиш харажатлари, жумладан брокерлик мукофотлари, божлар ва банк хизматлари учун мукофотлардан иборат.

Кейинчалик инвестициялар:

1. ҳақиқий (бозор) қиймати; ёки
2. сотиб олиш ва ҳақиқий (бозор) қийматларидан энг кичиги бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

Хакикий киймат – хабардор булган ва битимга тайёр томонларнинг уртасида актив айрбошланаётган суммалар. У:

- а) умумиктисодий шароитларга таъсир килувчи омилларга;
- б) инвесторларнинг мавжуд корпорацияга булган муносабатига;
- в) корпорация олаётган фойда хажмига боғлиқ.

Агар корхона инвестицияларни хакикий (бозор) киймати буйича ҳисобга олса, унинг узгаришларни даврий равишда ҳисобга олиши лозим.

Танланган усулга мос равишда, кийматнинг купайиши қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капиталга олиб борилади, кийматнинг камайиши эса молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда харажат деб тан олинади.

Узок мудатли инвестициялар - бир йилдан узок булган муддатда эғалик қилишга мулжалланган қимматли қозғаларга қуйилган инвестициялардир. Улар, одатда инвестицион портфелда улушли (акциялар) ва қарз (узок муддатли облигациялар) қимматли қозғалар билан ифодаланган бўлади.

Узок мудатли инвестициялар ҳисобда аввал сотиб олиш киймати буйича тан олинади ва сунгра балансда қуйидаги қимматларда ҳисобга олиниши мумкин:

1. сотиб олиш киймати буйича;
2. қайта баҳолаш киймати буйича;
3. амал қилаётган бозорда ташкил топган бозор кийматига эга қимматбаҳо қозғалар бутун инвестицион портфель асосида аниқланадиган сотиб олиш ва бозор қимматларининг энг кам киймати буйича ҳисобга олиниши мумкин.

Жорий ва узок мудатли қуйилмалар сифатида сотиб олиннадиган қимматбаҳо қозғалар, иккита алоҳида қимматбаҳо қозғалар портфелини акс эттиради ва сотиб олиш ва ҳаққоний (бозор) қимматларидан энг қисқиси буйича баҳолаш усули ҳар бир портфель учун алоҳида қўлланилади.

Қимматбаҳо қозғаларни сотиб олиш, ҳисобда “Қисқа мудатли инвестициялар” ва “Узок муддатли инвестициялар” ҳисобларининг дебетида сотиб олиш киймати ва у билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилади. Агар инвестициялар хусусий капитал акцияларининг чиқарилиши ҳисобида жалб қилинса, у ҳолда инвестицион қимматбаҳо қозғаларнинг киймати бўлиб уларнинг номинал киймати эмас, балким хакикий киймати ҳисобланади. Агар инвестициялар бошқа активларга айрбошлаш орқали олинса, у ҳолда уларнинг киймати берилган активнинг хакикий киймати бўлади.

Облигациялар ва шу қабил қимматли қозғалар инвестор томонидан балансда активлар ҳисобида сотиб олиш киймати буйича акс эттирилади. Агар сотиб олиш киймати номинал киймат (тулаш киймати)дан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш киймати ва номинал киймати орасидаги фарқ (устама ёки чегирма) суммаси, облигациялар чиқарилган муддат давомида ҳисобдан чиқарилади. Устаманинг ҳисобдан чиқарилиши қисқа ва узок мудатли инвестициялар ҳисобларининг кредитланиши билан, чегирмалар эса ушбу ҳисобларнинг дебетланиши билан амалга оширилади. Чунки, облигацияларнинг туланиш давригача уларнинг баланс киймати номинал кийматга тугри қилини керак. Облигациялар буйича устамалар ва чегирмаларнинг ҳисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар буйича ҳисобланган фойз даромадларининг даврийлигига мос келади. Берилган ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилиши лозим булган чегирма, устама суммалари фойз даромади ёки харажати деб классификацияланади.

Масалан:

01 январда 6 ойлик муддатга номинал киймати 100.000сўм булган, 10% лик облигация хар ойлик фоизлар тулови шарти билан 82.000 сўмга сотиб олинди.

Киска муддатли инвестициялар.....	82.000
Пул	
маблаглари.....	82.000

01 январда 6 ойлик муддатга номинал киймати 100.000 сўм булган, 10% лик облигация хар ойлик фоизлар тулови шарти билан 112.000 сўмга сотиб олинди.

Киска муддатли инвестициялар.....	112.000
Пул	
маблаглари.....	112.000

31 январда:

Киска муддатли инвестицияла буйича фоиз даромадларини хисоблаш	
Олинадиган фоизлар (100.000сўм х 0,1 х 1/6) --1,666 х 2.....	3,332
Киска муддатли инвестициялардан олинадиган	
Фоиз	куринишидаги
даромад.....	3,332

Облигациянинг сотиб олиш ва номинал киймати уртасидаги фаркни хисобдан чиқариш:

Чегирмани:

Киска муддатли инвестициялар (100.000 – 82.000) х 1/6).....	3.000
Киска муддатли инвестициялардан олинадиган	
фоиз	куринишидаги
даромад.....	3.000

Устамани:

Бошка фоиз куринишидаги харажатлар (112.000 - 100.000) х 1/6).....	2.000
Киска	муддатли
инвестициялар.....	2.000

Хисобланган фоиз даромадининг келиб тушиши:

01 февралда:

Пул маблаглари.....	3.332
Олинадиган фоизлар (100.000 х 0,1 х 1/6) қ 1.666 х 2.....	3.332

Киска муддатли облигацияларнинг туланиши (эмитент томонидан сотиб олинди):

30 июнда:

Пул маблаглари.....	200.000
Киска	муддатли
инвестициялар.....	200.000
(номинал киймати 100.000сўм булган иккита 10%ли облигациялар)	

Давлатнинг киска мудатли карзи хисобланмиш хазина векселлари одатда белгиланган даромад фоизига эга булмайди, улар берилган векселнинг фоиз даромади хисобланган чегирма билан чикарилади.

Масалан, фараз килайлик, 1 мартда компания 97.000сўмга тулов муддати 120 кундан кейин келадиган хазина векселини сотиб олди, унга тулов 100.000сўмни ташкил килади.

01 мартда:
 Киска муддатли инвестициялар.....97.000
 Пул
 маблағлари.....97.000

30 июнда:
 Газна векселларининг туланиши:
 Пул маблағлари..... 100.000
 Фоизлар буйича даромадлар 3.000
 Киска муддатли
 инвестициялар.....97.000

Фоизлар буйича хисобланган сумаларни кушган холда фоизларни тулаш саналари орасидаги даврда облигацияларни сотиб олиш хисоби:

01 мартда:
 Номинал киймати 100.000 сўм булган 10%ли облигация 5 йиллик муддатга 31 декабр ва 30 июнда фоизлари туланиши шарти билан 101.667 сўмга сотиб олинмокда, шу жумладан хисобланган даромад фоизи 1.667 ($100.000 \times 0,1 \times 2/12$) сўмни ташкил килади.

Узок муддатли инвестициялар.....100.000
 Бошка дебиторлик карзи.....1.667
 Пул
 маблағлари.....101.667

Сотиб олиш давридан бошлаб фоиз туланадиган санагача булган давр учун фоиз даромадининг хисобланиши:

30 июнь:
 Олинадиган фоизлар ($100.000 \times 0,1 \times 4/12$).....3.333
 Бошка инвестициялардан фоиз куринишидаги
 даромад.....3.333

30 июнь:
 Фоиз туланадиган бутун давр учун фоиз даромадининг келиб тушиши:
 Пул маблағлари.....5.000
 Олинадиган фоизлар ($100.000 \times 0,1 \times 4/12$).....3.333
 Бошка дебиторлик
 карзи.....1.667

Акциялар буйича дивидендлардан келадиган даромад, инвестор томонидан эмитент дивидендларни эълон килган куни 6830 “Олинадиган дивидендлар” счётининг дебети ва 9520 “Дивидендлардан келган даромад” счётининг кредити буйича тан олинади.

Айрим холларда инвестор олаётган дивидендлар - харид санасидан бошлаб олинган инвестор фойдасининг пропорционал улушидан юкори булади. Бу дивидендлар инвестициялардан даромад деб эмас, балким капитал кайтими деб хисобга олиниши керак, яъни дивиденд (тулик ёки унинг бир кисми) куйидаги мисолда курсатилганидек, инвестициялар счётида кредитланади.

Фараз килайлик, 1 январь 2011 йилда “Про лимитед” компанияси “Тэм Лимитед” Компаниясидан овоз бериш хукукига эга булган 10% акцияларини сотиб олди. 2011 йил учун “Тэм” компаниясининг соф фойдаси 40.000сўмни ташкил килган эди, 2011 йилда бу компания 60.000сўм суммада дивидендлар тулади. Дивидендларнинг олинишини акс эттириш учун “Про” компанияси куйидаги журнал ёзувини килиши керак:

Пул маблаглари (60.000 x 10%).....	6.000
Инвестициялардан келган даромад.....	4.000
“Тэм” компаниясига килингаш инвестициялар.....	2.000

2-боб. Акционерлик жамиятларида қимматли қўғозлар таҳлили

2.1. Устав капитали ва унинг шаклланиши таҳлили.

Корхона устав капитали унинг устави ва таъсис шартномасига мувофиқ ойдага кўра, таъсисчиларнинг ўлчаслари ўлсобиға барпо этилади. У корхонанинг хўжалик фаолиятидан олинадиган фойдаси ўлсобиға, зарур бўлганда таъсисчиларнинг маўсадли бадаллари ўлсобиға ҳам тўлдирилиши мумкин.

Корхона устав капиталиға ўлсса сифатида бинолар, иншоотлар, ўрилмалар ва бошқа моддий ўйиматликлар: ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ўуўўлари, шунингдек, бошқа мулкый ўуўўлар (шу жумладан, кашфиётлардан фойдаланиш учун, «НОУ ХАУ» ва бошқа номоддий активлар); ўўшма корхона иштирокчи давлатларининг валюталаридаги эркин айирбошладиган валюталарда пул маблаўлари ўўшилишлари мумкин.

Устав капиталини таўлилидан маўсад, устав капиталининг ўлати акс этириладиган молиявий ўлсобот кўрсаткичларининг ишончилиги, ҳамда уни ўлсобға олиш услубиётининг меъёрий ўужжатларға мувофиқлиги тўўрисида фикр шакллантиришдан иборат.

Таўлилни корхона юридик маўomini ва уставда белгиланган фаолият турларини, таъсисчилар ва улар улушларининг таркиби ҳамда суммасини, устав капиталининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалға ошириш учун етарлилигини аниўлашдан бошлаш маўсадға мувофиқ.

Таъсис ўужжатлари, устав капиталини шакллантиришға доир дастлабки ўужжатлар, ўлсоб регистрлари ва ўлсобот маълумотларини текшириш ўуйидаги тартибда амалға оширилади:

- таъсис ўужжатлари (устав, таъсис шартномаси) мавжудлиги, шакллари ва тўўри расмийлаштирилганлиги;
- таъсис ўужжатлари мазмунининг амалдаги ўонунчилак ва меъёрий ўужжатлар талабларига мувофиқлиги;
- таъсисчилар улушларининг устав капиталиға тўўлиқ ва ўз ваўтида ўўшилиши;
- таъсисчилар мулк шаклида ўўшадиган улушларининг тўўри баўоланишини текшириш;
- уставда кўрсатилган фаолият турларининг ўонунийлигини текшириш;
- устав капитали ўажмининг таъсис ўужжатлари ва ўзбекистон Республикаси ўонунчилигига мувофиқлиги;
- устав капиталининг тўўлиқ ва тўўри шакллантирилганлиги;
- таъсисчиларнинг устав капиталиға ўз улушларини ўўшиш бўйича якуний ўлсоб-китоблар учун ўонунда белгиланган муддатларға риоя ўилиниши;
- устав капиталини шакллантиришға доир муомалаларнинг бухгалтерия ўлсоби сўётларида тўўри акс этирилганлигини текшириш;
- устав капиталиға улушларнинг ўаўиўатан ҳам ўўшилганлигини аниўлаш;
- устав капитали ўажми ўзгаришининг асослиги ва устав ҳамда таъсис шартномасининг ўайта рўйхатдан ўтказилганлигини ҳамда бу ўолда тегишли ўлсоб регистрлари ва ўлсоботда акс этирилганлиги.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ўуйидаги маълумот манбалари таўлил ўилинади:

- корхонанинг ўуўўвий маўomini, устав капиталини шакллантириш ва ўлсобға олиш масалаларини тартибға соладиган асосий ўонун ўужжатлари ва йўриўномалари;
- таъсис ўужжатлари (нотариал идора томонидан тасдиўланган устав ва таъсис шартномаси);

- молиявий, статистик ва бошқа тегишли Ўйиботлар;
- устав капиталини шакллантириш бўйича муомалалар Ўйибга олинган дастлабки Ўужжатлар, аналитик ва синтетик Ўйиб регистрлари;

Меёрий Ўужжатларга мувофиқлик масаласини текшириш учун устав капиталини шакллантириш ва Ўйибга олиш Ўйидаларини Ўзида мужассамлаштирган **меёрий Ўужжатлар тўплами** зарур. Бундай тўплам текшириладиган корхонанинг Ўзига хос жиёатларини Ўйибга олган Ўлда шакллантирилади.

Таълилчи таъсис Ўужжатларини текширишда Ўуйидагиларни аниқлайди:

- таъсис Ўужжатларида Ўандай фаолият турлари кўзда тутилган;
- Ўаёиёатда амалга оширадиган фаолият турларининг таъсис Ўужжатларига мувофиқлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг «Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўонунига мувофиқ лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари ва лицензияларнинг мавжудлиги.

Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари бўйича лицензиялар мавжудлиги ва уларнинг амал қилиш муддатлари текширилади. Чунки, корхона бундай фаолият турлари билан шуёулланиш ёуёуёига лицензия олинган ёки унда кўрсатилган ваётдан бошлаб эга бўлади ва ушбу ёуёуёи лицензия амал қилиш муддати ётиши билан тўхтатади. Тегишли лицензияларга эга бўлмасдан амалга оширилган фаолият турлари ноёонуний Ўйибланади. Агар корхона битта таъсисчи томонидан ташкил этилган бўлса, бунда у мазкур таъсисчи томонидан тасдиқланган, тегишли ёокимият органидан рёйхатдан ётган ва нотариал идора томонидан тасдиқланган устав асосида фаолият кўрсатади. Таъсис Ўужжатлари билан танишиш таълилчига мулк эгаси ким эканлигини ва кимнинг манфаати учун текширув ётказилаётганлигини аниқлашга имкон беради.

Агар корхона бир неча таъсисчилар томонидан ташкил этилган бўлса, у Ўлда **таъсис шартномаси** тузилиши лозим, **устав** эса таъсисчилар томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Масалан, масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) барча таъсисчилар томонидан имзоланган **таъсис шартномаси** ва **устав** асосида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Таълилчи тегишли таъсис Ўужжатларининг мавжудлигини ва уларни тасдиқлаш ёамда давлат рёйхатидан ётказиш ёйидаларига риоя қилинишини аниқлайди. Корхона таъсисчилар томонидан уни ташкил этиш тўғрисидаги Ўарор Ўабул ёилинган ваётдан бошлаб эмас, балки давлат рёйхатидан ётган кундан бошлаб юридик шахс маёомига эга бўлган деб Ўйибланади. Шу боисдан, **давлат рёйхатидан ётганлик тўғрисидаги гувоёноманинг** мавжудлигини, агар таъсис Ўужжатларига ёзгартиришлар киритилган бўлса, ёайта рёйхатдан ётказилганлигини текшириш лозим.

Таълилчи **таъсис шартномаси** билан танишишда, унда Ўандай шартлар келтирилганлигини аниқлайди. Жумладан:

- мулкларни улуш сифатида ёёшиш (топшириш)
- фаолиятда иштирок этиш;
- фойда ва зарарларни таъсисчилар ёртасида таёсимлаш;
- корхона фаолиятини бошқариш ва унда таъсисчиларнинг иштироки;
- таъсисчиларнинг корхонадан чиёиши.

Масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) таъсис шартномасида ёёорида санаб ётилган маёлумотлардан ташқари Ўуйидаги шартлар ёам бўлиши лозим:

- устав капиталининг таркиби ва ёажми тўғрисида;
- ёар бир таъсисчи улушининг ёажми ва уни ёзгартириш тартиби;
- таъсисчилар улушларининг таркиби, ёажми ва топшириш муддатлари;

- улушларни ўқитишга доир мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик;
- таъсисчилар томонидан ўқитиладиган улушларнинг жами суммаси.

Таълилчи корхона устави билан танишиш чоғида унда қуйидагилар кўрсатилганлигини аниқлайди:

- корхонанинг ўзига хос қўсусиятлари ва ташкилий-қўғқўқий шаклини ифодаладиган номи;
 - корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказиладиган, жойлашган ўрни;
 - устав капиталининг кўлами ва унинг барча таъсисчилар ўртасида улушларга тақсимланиши;
 - корхонанинг маъсади ва фаолият турлари;
 - ижро органларини сайлаш ёки тайинлаш тартиби;
 - корхона бошқарув органининг таркиби ва ваколатлари ҳамда улар томонидан қарор қабул қилиш тартиби;
 - дивидендлар тақсимлаш тартиби;
 - амалдаги қонунчиликда кўзда тутилгани ҳамда таъсисчилар билан келишилган, лекин қонунчиликка зид келмайдиган бошқа зарур масалалар.
- Шунингдек, таъсис қўўжатларини текширишда корхонанинг ташкилий-қўғқўқий шаклини эътиборга олиш зарур. Масалан, акциядорлик жамиятининг таъсисчилари томонидан тасдиқланган уставида, устав капиталининг кўлами тўғрисидаги маълумотлар билан бирга жамият томонидан чиқариладиган акцияларнинг тоифалари, уларнинг номинал қиймати ва миқдори, акциядорларнинг қўғқўқлари тўғрисидаги шартлар қар хил бўлиши лозим. Акциядорлик жамиятининг барча акциялари бир акциядор томонидан сотиб олинганда, акциядорлик жамиятини бир киши ташкил этган қисобланади ёки бир акциядордан иборат бўлади. Бу ҳолдаги маълумотлар акциядорлик жамияти уставида қайд қилинган, рўйхатга олинган ва ҳамма танишиши учун эълон қилинган бўлиши керак.

Иштирокчилар таркибини таълил қилишда, акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамият ягона иштирокчиси сифатида, битта шахсдан иборат ҳўжалик юритувчи субъект бўла олмаслигига эътибор бериши керак.

Акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларда ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслар таъсисчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

Ўшма корхона устав капиталига Ўзбекистонлик иштирокчи томонидан ўқитиладиган қисса хорижий иштирокчилар билан келишувга кўра миллий валютада қандай бақоланса, келишилган бақолар бўйича чет эл валютасида ҳам жақон бозоридаги бақони қисобга олган ҳолда шундай бақоланади.

Хорижий иштирокчининг қиссаси ҳам шу тартибда ўшма корхонани ташкил этиш қақидаги шартнома имзоланган кундаги ёки унинг иштирокчилари келишган бошқа санага амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий валюта курси бўйича сўмга қисоблаб ўтказиш йқли билан бақоланади.

Жақон бозори бақоси бўлмаганда ўқитиладиган мулклар қиймати иштирокчиларнинг келишувига мувофиқ аниқланади.

Корхона таъсисчиларининг сони ва уларнинг устав капиталдаги улушини текшириш чоғида аудитор таъсисчиларнинг энг кўп сони ва бир таъсисчининг устав капиталдаги энг кўп улуши, ҳамда устав капиталининг энг кам кўлами тегишли юридик шахс учун ўқиланиладиган қонун билан аниқланади. Масалан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг қўғқўқларини қимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ очил турдаги акциядорлик жамиятлари (ОТАЖ) устав капиталининг энг кам миқдори жамият рўйхатдан ўтказилган пайтда қонун қўўжатларида белгилаб қўқилган энг кам иш қақининг 400 мингАШШ доллари суммасидан кам бўлмаслиги, ёпиқ турдаги

акциядорлик жамиятлари (ЁТАЖ) устав капитали эса жамият рўйхатдан ўтказилган пайтда Ўнун Ўужжатларида белгилаб ўйилган энг кам иш ЎаЎининг юз барабар суммасидан кам бўлмаслиги керак. (20-модда)

Ушбу талабларга риоя Ўилиниши корхонанинг фаолият кўрсатиши, Ўамда кредиторларнинг манфаатларини ЎуЎуЎий ва иЎтисодий Ўимоялаш шартларидан бири Ўисобланади. Корхона соф активлари маЎдорининг унинг утав капиталидан ошиб кетиши (ёки тенг бўлиши) тЎўрисидаги мажбурий талабларга риоя Ўилиниши шу маЎсадлардагина текширилади.

Корхонанинг хусусий капиталини Ўрганиш учун зарур маълумотлар молиявий Ўисоботнинг Ўуйидаги шаклларида акс эттирилади:

Бухгалтерия балансида (ОКУД бўйича 1-шакл):

Таъсисларнинг устав капиталига Ўўшадиган улушлари бўйича Ўарзлари – активдаги II-«Айланма активлар» бўлимининг «Таъсисчилар билан Ўисоблаштишилар» моддаси (4710-счёт) (280-сатр);

Пассивдаги I»Ўз маблаЎлари манбалари» бўлимида устав капитали (320 сатр), Ўўшилган капитали (330 сатр), заЎира капитали (340 сатр), таЎсимланмаган фойда (350 сатр);

Хусусий капитал тЎўрисидаги Ўисобот (5-шакл) да

Хусусий капиталнинг таркиби бўйича : йил бошига ЎолдиЎи (010 сатр 3,4,5,6,7,8,-устунлар), йил давомидаги Ўзгариши (020-070 сатрлар) ва йил охирига ЎолдиЎи (080-сатр).

2.2. Акционерлик жамиятининг бошқа эмитентларнинг қимматли қозғаларига қўйилмалари таҳлили.

Бозор муносабатлари ривожланган шароитда муайян корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва айниқса кенгайтириш қушимча маблағ топиш мақсадида чиқарилган қимматбаҳо қозғаларсиз амалга ошиши кийин.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида қимматбаҳо қозғаларни сотиб олиш қуйидаги мақсадларни кузда тутати:

- капитални аниқлаш;
- қушимча фонд олиш;
- қимматбаҳо қозғалар курсини ошириш эвазига капитални қупайтириш.

Том маънода бозор иқтисодиёти тула шаклланиб бўлмаган мамлакатларда қимматбаҳо қозғалар уларга хос бўлмаган бошқа мақсадларда ҳам сотиб олиниши мумкин. Бундай мақсадлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ◆ қимматбаҳо қозғалар сотиб олиш йули билан мулкый ҳуқуқларга эга бўлиш, дефицит маҳсулотлар ва хизматларга эга бўлиш;
- ◆ муомала шартларига кўра нақд пулни ўрнини боса оладиган қимматбаҳо қозғаларни сотиб олиш;
- ◆ бозорни ўрганиш учун;
- ◆ мулк таъсир даражасини кенгайтириш ва уни қайта тақсимлаш;
- ◆ нобарқарор бозор шароитида қимматбаҳо қозғалар курслари узгаришлари асосида чайқовчилик қилиш ва х.к.

Қимматбаҳо қозғалар ликвидлик масаласи бозор иқтисодиёти шаклланиб келаётган давлатларда фонд бини ривожлантириш билан боглик ута муҳим масалалар жумласига қиради. Ликвидлилик даражаси қанча юқори бўлса, бундай қимматбаҳо қозғаларларнинг курси шунча мустанкам ва юқори бўлади. Демак, қорхоналар қимматбаҳо қозғаларни сотиб олишда биринчи навбатда уларнинг шу жихатларига эътиборни қаратишлари керак.

Ривожланган бозор иктисодиёти шароитида кимматбаҳо коғозларнинг ундан ортиқ тури бўлиб, уларнинг айрим турлари, уз навбатида, турли шартлар асосида муомалага чиқарилган ҳар хил шаклларга бўлиниши мумкин. Қуйидагилар кимматбаҳо коғозларнинг асосий турлари бўлиб ҳисобланади: акция, вексель, фьючерс, хусусийлаштириш чеки, облигация, давлат хазина мажбуриятлари, опцион, варрант, банкларнинг жамғариш ва депозит сертификатлари, коносамент, мулкӣ варақа(масалан; уй-жой олиш ҳуқуқини берувчи кимматбаҳо коғоз).

Кимматбаҳо коғозлар ва уларнинг ишончилиги ҳақида гап кетганда халқаро амалиётда махсус рейтинг агентликлари ва ташкилотлари кимматбаҳо коғозларни чуқур таҳлил асосида гуруҳларга бўлишади. Масалан, кимматбаҳо коғозлар , «олий сифатли», «юқори сифатли», «ўртадан юқори сифатли», «ўртадан сифатли» вақ х.к. гуруҳларга бўлиш мумкин.

Кимматбаҳо коғознинг инвестион сифати унинг ликвидлик даражаси ҳамда ўртача бозор фондидан кам бўлмаган даражада фоиз келтириш қобилияти ва курс қиймати барқарор бўлган шароитда риск ҳолати қаби омилларни баҳолаш белгиланади.

Маълумки, кимматбаҳо коғоз rischi қанча паст бўлса, унинг ликвидлик даражаси шунча юқори бўлади. Лекин риск даражаси паст бўлган кимматбаҳо коғознинг даромад келтириш қобилияти ҳам асқари ҳолларда юқори бўлмаслиги мумкин.

Бу ўринла кимматбаҳо коғозлар қенг тарқалган гарб давлатлари билан утиш даврида яшаётган давлатлар амалиёти ўртасида узаро мос келмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан; гарбда аҳоли турли кимматбаҳо коғозлар инвестицион сифатларини яхши билади. Инвесторлар уз олдиға қуйган мақсадларидан қелиб қикиб, кимматбаҳо коғознинг қайси турини сотиб олишни ҳал этиш учун уларнинг инвестицион сифатларини чуқур ўрганишға етарли ахборот топа олишади. Ахборот узининг ҳаққонийлиги, ишончилиги ва тулалиги билан ажқалиб туради. кимматбаҳо коғоз инвестицион сифатлари ҳақида нотўғри молиявий ахборот берган юридик ёки жисмоний шахс фонд бозорида тезда уз обрусини туқиб қуиши ва натижада синиши мумкин.

Бозор иктисодиети энди ривожланаётган давлатларда кимматбаҳо коғозларнинг инвестицион сифатлари аниқлаш ҳозирча тор доирада мутахассисларнинг иши бўлиб қолмоқда. Кимматбаҳо коғозларнинг потенциал инвесторлари бўлиши мумкин бўлган аҳолининг қенг қатламлари фонд бозори сарҳадларига аста-секин қириб қормоқда.

Бозор иктисодиёти шакланаётган давлатларда кимматбаҳо коғозлар портфели билан боғлиқ riskлар нисбатан қуплиги билан ажқалиб туради. Қуйида кимматбаҳо коғозлар портфели билан боғлиқ riskларнинг асосий турлари ҳақида қискача суз юритилади.

Капитал риск—кимматбаҳо коғозларға қуйилағн барча маблаглар учун умумий риск бўлиб, у зарар қўрмасдан капитални қайтариб ололмаслик ҳолати билан белгиланади. Фондлар бозорида йирик таназуллар руй берган пайтда (масалан, 1998 йилда Жанубий Қорея, Япония, Россия, Индонезия, Малайзия ва х.к. давлатларда) капитал риск руғба қикади.

Қонунчилиқда узғаришлар руй бериши билан боғлиқ риск натижасида кимматбаҳо коғозлар қикариш қайта руйҳатға олиниши, бекор қилиниши, унинг шартлари тубдан узғариши мумкин. Натижада эмитент ва инвестор қушимча ҳаражатлар қилиши ва моддий йўқотишларға дучор бўлиши мумкин.

Вакт билан боғлиқ риск 2-кимматбаҳо коғозни сотиб олиш ёки сотиш учун ноқулай вақт танланган ҳолатларда юз беради. кимматбаҳо коғозларни сотиш ёки сотиб олишға мавсумий (ағрар, савдо фирмалари кимматбаҳо коғозлари) ёки қайта ишлаб қикариш қиклларининг таъсири ута аниқ сезилади.

Танлаш rischi — кимматбахо коғозларларнинг сердаромад ва ишончли турларини танлай олмаслик ҳолати билан боғлиқ бўлади. кимматбахо коғозлар инвестицион сифатларини тўғри баҳолай олмаган вазиятла танлаш rischi руй беради.

Ликвидлик rischi - кимматбахо коғоз инвестицион сифатини баҳолаш узғариши шароитида уни сотишдан қўрилагн зарар билан улчанади.

Инфляцион риск - юкори инфляция суръатлари инвесторнинг кимматбахо коғозларлан оладиган даромадлари тезроқ кадрсизланиш рискидир. Жаҳон амалиётида инфляцион рискни пасайтиришнинг жуда куп усуллари бўлишига карамасдан инфляциянинг юкори даражадалиги кимматбахо коғозлар бозорини бузиб юбориши аллақачон аниқланган.

Валюта rischi - валюта курслари узғариши натижасида валюта кимматбахо коғозларига килинган қўйилмалар билан боғлиқ бўлган рискдир.

Регионал риск - бир ёки икки турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудудлар фаравонлигининг шу маҳсулотлар нархининг узғариши билан боғлиқ бўлган риск. Мамлакатда ҳокимият кризиси вужудга келагн пайтда регионал рисклар алоҳида регионларнинг сиёсий ва иқтисодий сепаратизмига боғлиқ ҳолда вужудга келиши мумкин.

Тармоқлар rischi - иқтисодиётда тармоқларнинг узига хос хусусиятларига боғлиқ бўлган риск. Шунга қўра барча тармоқларни гуруҳларга адратиш мумкин:

А) циклик тебранишларга таъсирчан тармоқлар;

Б) циклик тебранишларга камроқ таъсирчан тармоқлар;

Бундан ташқари тармоқларни «улиб борётган»; барқарор ишлаётган; тезда ушиб бораётган ёш тармоқларга ҳам бўлиш мумкин.

Кредит rischi - кимматбахо коғозларни чиқарган эмитент чиқарилган кимматбахо коғозлар буйича фозлар ёки асосий қарзнинг қайтараолмаслиги билан боғлиқ бўлган риск.

Фоиз rischi - бозордаги ставкаларнинг узғариши натижасида инвесторларнинг зарар қўриши билан боғлиқ бўлган риск. Маълумки, бозор фоиз даражасининг пасайишига олиб келади.

Бозор rischi - бозор умумий фаолиятининг пасайиши сабабли кимматбахо коғозлар нархининг пасайиши натижасида инвесторларнинг зарар қўриши.

Мамлакат rischi - тармоқлар рискига ухшаш. Шу билан биргаликда бу рискнинг узғаришига корхонанинг фаолияти ҳам таъсир килади. Бунга мос равишда корхоналар консерватив, агрессив ва уларнинг ҳар иккаласини биргаликда қўрадиган « оқилона» корхоналарга бўлиш мумкин.

Қайтариб олши rischi - қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган облигациялар буйича туланадиган фоизлар даражасидан ошганлиги сабабли эмитентнинг шу облигацияни қайтариб олши натижасида инвесторларнинг зарар қўриш rischi.

Кимматбахо коғозлар портфелини бошқариш бир-бири билан боғлиқ бўлган куплаб операциялардан иборат бўлиб, уларнинг қай бири қачон ва қайси шартлар билан ишлаши, портфелни ким бошқариши билан белгиланади. кимматбахо коғозлар портфели унинг эгаси ёки эгасининг топширигига қўра алоҳида шахс томонидан бошқарилиши мумкин.

Биз қуйида портфелни унинг эгаси томонидан бошқарилиш жараёнида содир бўладиган операцияларининг асосийлари билан таништириб утамиз. Портфелни унинг эгаси топшириги буйича бошка шахс бошқарганда ҳам шу операцияларнинг аксарияти бажарилади. Бошқаришнинг иккала усули мазмунан бир-бирдаг кескин фарқ қилмайди. Уларнинг фарқи операцияларни амалга ошириш шаклида бўлади. Яъни, портфель эгаси

хамма вақт уз номидан иш кўради, иккинчи усулда эса алоҳида шахс унинг топшириги буйича бошқарув операцияларини бажаради.

Бу операция фонд бозори конъюктурасини ўрганиш ва пргноз килиш, конунчилик хакида маълумот йиғиш, кимматбаҳо коғозлар билан утказиладиган операциялар буйича услубий ва меъғрий хужжатлар тайғрлаш, касбий тайғрлаш, портфель умумий стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, портфелни бошқаришни назорат килиш, кимматбаҳо коғозларни баҳолаш, дивиденд сигсатини яратиш ва амалга ошириш каби ута муҳим чоратadbирларни уз ичига олади. Кўриниб турибдики, кимматбаҳо коғозлар портфелини бошқаришни ташкил этиш жарағнида бу операция ута муҳим аҳамият касб этади.

Кимматбаҳо коғозлар бозорини таҳлил килиш юкоридагилар билан чегараланиб колмайди. Портфель ҳолатини у уз олдиға куйган мақсадға эришиш, рисклар ва ликвидлик даражасини баҳолаш, хусусийлаштириш жарағнини тайғрлаш ва амалга ошириш каби хатти-харакатлар ҳам портфелни бошқариш операциясининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

- кимматбаҳо коғозларни сотиб олиш асосида инвестиция килиш. Бу операцияни амалга ошириш учун олдиндан махсус фондлар ёки алоҳида счғтларда пул маблағлари аста-секин жамғарилиб борилади.
- кимматбаҳо коғозларни тайғрлаш, муомалаға чиқариш ва бирламчи тарқатишни ташкил этиш.
- кимматбаҳо коғозларни бевосита сотиш билан боғлиқ хатти-харакатлар.
- кимматбаҳо коғозлар эғаси алмашишиға олиб келиши мумкин булган айрим ходисалар(масалан, алмашув, совға килиш, меросға бериш ва х.к.),
- кимматбаҳо коғозлар бозорини таҳлил килиш.
- кимматбаҳо коғозларни зарур ҳолларда гаров сифатида ишлатиш.
- кимматбаҳо коғозларлар буйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш
- кимматбаҳо коғозларни қарзға бериш ёки қарзға олиш.
- кимматбаҳо коғозларларни сугурта килиш.
- кимматбаҳо коғозлар буйича эҳтимол тутилган зарарларни қоплаш мақсадида захира ташкил килиш ва ишлатиш.
- Бузилган, йўқолган кимматбаҳо коғозларни алмаштириш.
- кимматбаҳо коғозларни операциялари буйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш.
- кимматбаҳо коғозларнинг бир туруни бошқа бир турига алмаштириш.
- кимматбаҳо коғозлар портфелини бошқариш билан боғлиқ маҳкамавий ишларни бажариш.

Кимматбаҳо коғозлар портфелини бошқариш унинг эғаси томонидан амалга оширилганда қорхонада бу иш билан шугулланадиган махсус фонд(ёки инвестиция) булими (бошқармаси) ёки кимматбаҳо коғозларни бошқариш булими(бошқармаси) ташкил этилади.

Кимматбаҳо коғозлар портфелининг эғаси иазқур жарағнни бошқаришни узи хоҳламаса, бу ишни фонд бозорида махсус ташкил этилган ихтисослашган ташкилотларға шартнома билан топшириши мумкин.

Қорхоналар сотиб олган кимматбаҳо коғозларни ва улардан фойдаланишни таҳлил килишда қуйидаги жиҳатларни ҳам кўриб утадилар. Кимматбаҳо коғозлар узок ва қиска муддатға қуйиғанлиги, режа буйича ёки режада белгиланмағанлиги, режа буйича қайтими ҳамда ҳақиқатдаги қайтими, бозор баҳосини усиши ёки қамайиши, улардан фойдаланишнинг муқобил йуналишлари уларнинг ҳар бирининг алоҳида тури буйича солиштириб чиқилади.

Бу билан молиявий куйилмалардан кай даражада фойдаланиш ҳолатини йиллар буйича ҳам ўрганиш мумкин. У ҳолда қимматбаҳо қозғаларнинг ҳар бир йилдаги қиймати (нарихи ошиши ёки пасайиши кўрсатилган ҳолда) келтирилган фоизлари ҳамда уларнинг фарқлари ўрганиб чиқилиб муқобил вариантлар билан таққосланади.

Албатта, молиявий куйилмалардан келадиган фоизларни ҳисоблашда у буйича ишлаб чиқилган давлат солиқ сифатини ҳам кўриб чиқиш зарур. Чунки, солиқлар олинadиган фойда суммасини камайтиради.

Фикримизча, узок муддатли молиявий куйилмаларга маблағларни буш турган пул маблағлари ёки етарли имкониятда фойдаланилмагган асосий ва оборот фондларини куйилса, корхона учун самаралироқ булар эди.

3-боб. Мавзунини интерфаол усулда ўқитиш

3.1. Ўқитишнинг интерфаол усули мазмуни ва аҳамияти

Танқидий фикр – бу қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга асослангандир. Яна бу қоидага аниқлик киритадиган бўлсак, фикрлаш – бу ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва эшитишга ўхшаш жараён. У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, ўзида бирор ҳақиқат тўғрисидаги фикрларни қамраб олади.

Танқидий (таҳлилий) фикр шу билан аҳамиятлидир:

- ҳаётнинг мураккаб ўзгарувчанлик маъносини тушуниб етишга ёрдам беради;
- жамоанинг очиқ фикрини рағбатлантиради;
- алоқа, тушуниш ва ҳурматни икки томонламалиги;
- шахснинг ривожланишига шароит яратиши ва бошқалар.

Таълим жараёнида танқидий (таҳлилий) фикрлашнинг асосланиши:

1. Ўқитувчи (педагог) ўқувчи-талаба ўртасида ҳамда ўқувчи-талаба – ўқувчи-талаба ўртасидаги ўзаро ҳурматни тарбиялайди.
2. Машғулот жараёнида ўқувчи-талаба тажрибасидан фойдаланилади.
3. Маълум ўқув мазмуни ўқувчи-талабанинг талабларига мос ва аниқ фойдаланилади.
4. Муаммони ҳал қилишда ўқув материалларидан фойдаланилади.
5. Ҳар хил буюм ва қарашлар интеграциялашади.
6. Дастлабки шарт-шароитлар қабул қилинади ва текшириб кўрилади.
7. Таълим ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба, ўқувчи- талабани ўзаро муносабати орқали бериб борилади.
8. Ўқувчи-талаба мустақил таълим олиши учун шароит яратилади – ўқувчи-талабани тайёрлаш даражасига мувофиқ методлар танланади.

Машғулотлар жараёнида фойдаланиладиган дидактик ўйин технологиялари ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, дарслик ва қўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш, уларни онгли равишда касб-ҳунарга йўллаш, дидактик ўйин давомида вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишда мўлжалли тўғри олиш, ҳар хил вазиятларни таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқаришга замин ҳозирлайди.

Ўқув дастурларидан ўрин олган муаммоли мавзулар муаммоли таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда муаммоли дарс «ақлий ҳужум» шаклида ўрганилиши тавсия этилади ва мунозарали мавзулар мунозарали дарс шаклида ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Ўқув жараёнида мунозарали дарсларнинг икки хили: илмий мунозара дарслари ва эркин фикрлаш дарсларидан фойдаланилади.

Интерфаол методлар - ўзаро фикр алмашишга, ўзаро фикрларни тўлдиришга, гоҳ новербал, гоҳо вербал таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидир. Интерфаол методлар ўзаро таъсир асосида қурилган интеллектуал ҳаракатлар шунчаки таъсир, туртки вазифасини бажариш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга, кашф этишга кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларда ифодаланиши мумкин.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда талабаларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда қуйидаги интерфаол методлар қўлланилади:

- ўқитишнинг кўргазмали методи;
- мустақил ишлар методи;
- муаммоли эвристик моделлаштириш методи;
- илмий тадқиқот методлари;
- ўқитишнинг муаммоли-изланиш ва репродуктив методи;
- ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методи;
- ўқитишнинг назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш методи.

Методлар қуйидаги гуруҳчаларни ўз ичига олади:

Биринчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини эшитиш орқали қабул қилиш методлари (оғзаки методлар: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар).

Иккинчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали метод, тасвирий намоиш қилиш ва бошқалар).

Учинчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лаборатория ишлари, дастур тузиш, педагогик масалаларни ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Интерактив методлар асосида тузилган дарс тизимларида турли стратегиялардан фойдаланилади. Бунда талабаларга китоблар, дафтар, бошқа бекитиқча усуллардан фойдаланиш таъкикланмайди, аксинча бундай усулларни қўллаш рағбатлантирилади.

Талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилишда тайёр стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қилишга ундаш, талабалар ички ҳиссиётларини юзага чиқариб, уларни мантикий фикрлашга чорлаш, уларни солиштириш, хусусий аналитик фикр юритишга ўргатиш, талабалар интеллектуал, зукколик хислатларини шакллантириш ва маълум йўналишда янада юқори даражада ривожлантириш мақсадида муаммоли услубдан фойдаланилади.

Муаммоли вазият қандай ҳосил қилинади? Бунинг учун бажарилиши лозим бўлган топшириқ эълон қилинади. Энди шу вазифани бажариш учун талаба бор билим ва кўникмаларини эслайди, топшириқни бажаришда шу пайтгача эгаллаган билимларининг етишмаслигини сезиш билан бирга талаба шахсида маълум психологик қарама-қаршилик шаклидаги ҳолат юз беради. Галдаги муаммо топшириқни бажариш ва шу топшириқни бажариш учун янги билим, иқтидор ва кўникмаларни излаш муаммоси пайдо бўлади. Ана шу вазият эса, муаммоли таҳсилнинг бошланиш жараёни ҳисобланади.

Педагог талабаларнинг топшириқни мустақил бажариш жараёнини зукколик билан бошқаради, эътибор билан кузатади, керак бўлганда жонли мулоқотга чорлайди. Талабалар мантикий фикрлаш давомида уларнинг жонли мушоҳадаси, фикр доираси педагог томонидан изчиллик билан ҳисобга олиниб таҳсил охирида фаол талабаларга қўйилган баллар ёки баҳоларни эълон қилади.

Талабаларда умумлашган психологик ва услубий билим, иқтидор ва кўникмаларни шакллантириш, ўз тажрибаларини танқидий нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш, реал ҳақиқий амалиётдаги шароитда синаш ва амалий кўникмаларни янги билимлар билан янада бойитиш мақсадида шу методдан фойдаланилади.

Маълумки, ҳар қандай фан ўқитилиши учун, белгиланган мақсадга кўра, унинг мазмуни танланади. Уни ўзлаштириш учун унга мос методлар танланади. Сўнгра ўқув воситалари ва ниҳоят, буларга мос равишда ўқитиш шакли танланади.

Талабаларнинг психологик тайёргарликлари, фикрлаш даражалари ёки олган билимларни ўзлаштириш даражаларига қараб, ҳар бир таълим босқичи учун мос мазмун ва методлар танланади. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос мазмунини баён қилиш мантиқи ва методлари бор. Таълимда ҳар доим мазмун ва методлар муаммоси мавжуд, бу муаммолар бир-бири билан узвий боғланган. Таълим методларидаги муаммолар «Кимни қандай ўқитамиз?» деган савол билан боғлиқ бўлиб, бундан таълим методларини ишлаб чиқиш унинг мазмунига боғлиқ эканлиги келиб чиқади. Бу икки муаммо ўзаро қарама-қаршиликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради.

Методиканинг мақсади мазкур фандан янги ўқув фани (ўқув предмети) яратиш ва бу фаннинг ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат. Бундай ўқув фанлари талабанинг барча талаб ва эҳтиёжларини қониқтириши, замонавий педагогик технологиялар талаблари асосида аввал «ўқиш сўнгра, бу ўқишга ўргатиш учун ўқитиш» принципига асосланиши, талабанинг ўқув материални ўзлаштиришдаги ўзлаштириш даражалари, назарий ва амалий билимларини эгаллашда «соддадан-мураккабга» қондасига асосланган назорат топшириқларини белгилаш талабаларга индивидуал ва табақалашган ҳолда ёндашувлари хусусиятларини ҳисобга олиши лозим.

Анъанавий методикада талаба шахсининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда унинг билими кўникмага, ундан эса малакагача ривожланишига аҳамият берилмаслиги аён. Ўқитувчи талабага иложи борица ўрганилаётган мавзудан кўпроқ ахборот беришга ҳаракат қилади. Ўқитувчи: ахборотларни тўплаш, ахборотларни танлаш ва қайта ишлаш, ўрганилган ахборотларни қўллаш каби билишнинг учта босқичдан иборат моделига риоя қилавермайди. Кейинги навбатда талабанинг билиш фаолияти (олган билими) билиш фаолиятининг янги поғонасига, яъни бу билиш фаолиятининг фаоллашув жараёнига ўтиши керак. Шундагина билим кўникмага, кўникма эса малакага айланади. Талабалар билиш фаолиятининг фаоллашуви қатор принципларга таянади: фанни ўрганишга қизиқтириш, таянч ибораларга асосланиш, муаммоли методларни қўллаш, мустақил ишларни ташкил этиш, ялпи ва якка ишларни ташкиллаштириш, кўرғазмали ва техник воситалардан фойдаланиш, таълим мазмунини турмуш билан боғлаш, фанлараро алоқадорликни ўрнатиш ва ҳоказо. Бундан эса, таълим жараёнида ўқитувчи риоя қилиши керак бўладиган асосий принциплар келиб чиқади:

- талабада ўз кучига ишониш ҳиссиётини уйғотиш;
- талабада ўз вақтида керакли ёрдам бериш.

Талабаларнинг фанларга оид танқидий фикрини билиш мақсадида қуйидаги варақалар тарқатилган:

1. Маърузани эшитиб ёзиб бордим, лекин ўзлаштирилаётган материал моҳиятини бир даврнинг ўзида тўлиқ тушуниб етмадим.
2. Олий таълимнинг мазмуни ва шакли ўрта мактабникидан нимаси биландир фарқ қилади.
3. Илмий тушунчалар, атамалар ва таърифлардан фойдаланишда қийинчиликларни ҳис қиламан.
4. Маъруза ва семинар машғулотларининг моҳиятини тушуна олмайман.
5. Назарий билимлар билан амалиёт ўртасида бирмунча номутаносибликлар мавжуд.
6. Мустақил фаолиятни режалаштиришнинг оқилона усуллари етишмайди.
7. Мустақил билим олиш учун жуда оз вақт қолади.

8. Ўқув йили давомида бир қанча материаллар индивидуал ишлашга йиғилиб қолади.

9. Рейтинг назоратида ҳис-туйғуда барқарорликнинг етишмаслиги сабабли диққатни бир жойга тўплай олмайман.

10. Семинар машғулотларига тайёрланиш учун бирламчи манбаларнинг йўқлиги ёмон оқибатларга олиб келади.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл ҳам йўқ. Аммо танқидий фикрловчиларнинг шаклланишига ёрдам берувчи муайян ўқув шароитлари тўплами мавжуд.

Танқидий фикрлаш тажрибасини эгаллаши учун талабаларга вақт ва имконият бериш зарур, яъни;

- талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;
- турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш;
- талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;
- ҳар бир талабани танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ўзларида ишонч ҳиссини уйғотиш;

- танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш лозим.

Шу муносабат билан талабалар:

- ўзига ишончни орттириш, ўз фикри ҳамда ғояларининг қадрини тушуниш;
- таълим жараёнида фаол иштирок этиш;
- турли фикр ва ғояларни эътибор билан тинглаш;
- ўз ҳукмларини шакллантиришга ва ундан қайтишга тайёр туриши лозим.

Танқидий (таҳлилий) фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Чунки, талабалар сузгаш тингловчилар бўлишади, уларда ўқитувчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу тўғрисида уларнинг билимларига ўқитувчи масъул деган ишонч шаклланиб қолган. Таълим жараёнидаги талабаларнинг фаол иштироки ва таълимга ўзларининг масъул эканлигига тайёрлиги, танқидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз ғояси ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишга двъват этиш каби педагогик ёндашув уларнинг фаоллигини ўстиради.

Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талаба уларнинг фикрлари, ўз танқидий таҳлили натижалари қимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи (педагог) талабалардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан холи бўлиши лозим. Бу эса талабаларда ўзгалар ғояларини механик тарзда қайта ишлаб чиқиш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Аслида талабаларга ўз фикри, ўзига тааллуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш керак. Талабаларнинг ўзлари ҳам ўз фикрларининг қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари ҳамда масалаларни муҳокама қилиш жараёнида ўта муҳим ва катта ҳисса бўлиб ҳисобланишини тан олишлари керак.

Фикрлаш жараёни талабаларнинг ўзаро бир-бирлари билан фикр алмашишларини кўзда тутди. Ўзаро фикр алмашишда талабалардан диққат билан тинглаш, ўзининг қарашлар тизимини сўровчига зўрлаб ўтказиш ва бошқа сўзловчилар фикрини тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўлароқ талабалар ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга янада қобилияти орта боради ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларида яратган ғоялари тизимига тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд, яъни: ўзига ишонч ҳосил қилиш, ишда фаол иштирок этиш, ўртоқлар ва ўқитувчи билан фикр алмашиш, ўзгалар фикрини тинглай олиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, талабаларнинг танқидий (таҳлилий) фикрини ривожлантириш олий ўқув юртларидаги ўқув-тарбия жараёнида камол топтирувчи ҳамда тарбияловчи принциплари амалга оширишда талабаларга ўзини ўзи бошқаришида муҳим рол ўйнайди.

3.2. Маъруза машғулотида интерфаол усулининг қўлланиши

Касб ҳунар коллежларида талабаларга бухгалтерия ҳисобини ўқитиш бирмунча мураккаблиги билан ажралиб туради. Чунки бунда таълим бериш жараёни ўқитувчининг жуда кўп миқдордаги ахборотни ўзлаштирган бўлишини талаб этади.

Акционерлик жамиятларида қимматли қоғозлар ҳисоби ва таҳлили мавзусини КХКда ўқитишни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

Вақт тақсимооти:

- 1- босқич тайёрлов- 5 мин.
- 2- босқич даъват (чақирув) - 15 мин.
- 3- босқич англаш - 37 мин.
- 4- босқич мулоҳаза (фикрлаш) -20 мин.
- 5- босқич уйга вазифа - 3 мин.

Берилган мавзунини олиб боришни қуйидаги режа асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ

Ўқув материаллари:	Дарснинг аниқлаштирилган мақсади:
• Илгор педагогик технологиялар • Дарисликлар. • Тарқатма материаллар. • Ёпишқоқ лента • Дафтар,ручка,қоғозлар. • Плакатлар.	Мавзунини ўзлаштиргандан сўнг талабалар: • Қимматли қоғозлар ҳисоби ва таҳлили моҳиятини тушунади • Қимматли қоғозлар ҳисобининг хусусиятлари ўрганади • Қимматли қоғозларнинг синтетик ва аналитик ҳисобларда акс эттирилишини кўрсатиб беради • Қимматли қоғозлар таҳлили қандай амалга оширилишини ўрганади

Таянч-сўз ва иборалар : Акциядорлик жамияти, қимматли қоғозлар, аналитик ҳисоб, синтетик ҳисоб, таҳлил, натижаларни расмийлаштириш.

Дарснинг бориши

Машғулоти босқичлари	Педагог	Талаба	Назорат

Тайёрлов босқичлари	• Тингловчиларни хонага таклиф қилади. • Ташкилий қисмдан сўнг талабаларни «тўп ўйинига» таклиф қилади. (Ўйин методикаси тушунтирилади). • Ўйин тугагандан сўнг талабаларга рақамлар ёзилган карточкалар таклиф этилади, уларнинг ўз рақамларига мос ҳолда 1,2,3,4 рақамлар ёзилган стол атрофига жойлашиб кичик гуруҳларга уюштилади. • Дарснинг мақсади мавзуси кутилаётган натижани эълон қилади, зарур бўлса унга тузатишлар киритиб, тўласигача яқдиллик билан қабул қилинишини таъминлайди.	• Талабалар педагог буйруқларни тез ва чаққонлик билан бажарадилар. • Талабалар гуруҳларга бўлингандан сўнг стол атрофида ўз-ўз жойларини эгалашиб, дарсга тайёр эканликларини билдиради. • Талабалар ўрганилаётган мавзунини дафтарларига ёзишади, ўзлари учун дарсдаги ўз ишлари мақсади ва натижаларини белгилашади. • Ўз мулоҳазаларини билдиради.	
Даъват (чакирув)	Саволлар беради:	Жавоб беради:	Жавоблар баҳоланиб борилади
	1. Қимматли қоғозлар ҳисобининг аҳамияти ва моҳияти.	Корхона фаолиятида Қимматли қоғозларнинг аҳамияти каттадир, чунки у корхона ривожланишига таъсир этади ва молиявий масалалар ҳал этилишини таъминлайди.	
	2. Қимматли қоғозлар ҳисобининг хусусиятлари.	Қимматли қоғозлар синтетик ва аналитик ҳисоби юритилишини тавсифлаб беради.	
	3. Қимматли қоғозлар баҳоланишини асослаб беринг.	Қимматли қоғозлар баҳоланишини асослаб беради.	
	4. Қимматли қоғозлар таҳлили йўналишларини тавсифлаб беринг.	Қимматли қоғозлар таҳлили йўналишларини тавсифлаб беради.	

Англаш	Тингловчиларга маърузалар матни тарқатилади ва уни гуруҳларда инсерт стратегиясидан фойдаланиб ўрганишни тавсия этади. «Инсерт» жадвалини тўлдириш мазмуни тушунтирилади. • менинг фикрларимни тасдиқлайди; • янги ахборот менинг билганимга зид; • янги маълумотлар билишни хоҳлайман.	Тингловчилар гуруҳларда матн билан танишади, қалам билан унинг хошияларига белгилайдилар ва қуйидаги жадвални тўлдирадилар. Инсерт жадвалини тўлдириш бўйича тажриба матнини ўқиш вақтида олинган билимлар билан ўртоқлашишади. Матн билан ишлашда нима ноаниқ бўлгани ва ўйлантириб қўйгани ҳақида ўз фикрларини айтади.	Жавоблар баҳоланади
Фикрлаш	-5 минут. Мустақил иш бажарилади -талабалар эътиборига плакатлар намойиш этилади, кластер тузилади. Ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига улар тузган кластер бўйича якун ясалади, рағбатлантирилади	Талабалар саволларга жавоб берадилар. Дафтарларига плакатдан олинган маълумотларни ёзиб оладилир.Савол бўйича “Кластер” тузадилир	Жавоблар баҳоланади
Уйга вазифа	1.Қимматли қоғозларнинг меърий-хукукий асослари	Берилган топшириқларни бажарадилар.	

3.3. Амалий машғулотда интерфаол усулнинг қўлланиши

Таълим бериш технологияси модели

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Талаблар сони: 20 – 30 гача
<i>Машғулот шакли</i>	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот
<i>Машғулот режаси</i>	1. Акционерлик жамият капиталини шакллантиришда чиқарилган акциялар ҳисобини юритиш 2. Акционерлик жамиятларида қимматли қоғозларга қўйилмалар ҳисоби 3. Устав капитал ва унинг шаклланиши таҳлили. 4. Акционерлик жамиятининг бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларига қўйилмалари таҳлили.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш.	

<i>Педагогик вазифалар:</i> • мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва кенгайтиришга мотивация яратиш; • мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш; • ахборотни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, солиштириш ва умумлаштириш бўйича кўникмалар ишлаб чиқиш; • мавзу саволлари бўйича изоҳлаш ва шакллантириш жараёнини ташкил қилиш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> Жаҳон молиявий инқирози шароитида қимматли қоғозлар ҳисобининг вазифалари ўзлаштирилади Қимматли қоғозлар ҳисобининг узиға хос хусусиятлари ҳақида тасаввурга эға бўлади Қимматли қоғозларни баҳолай олади. Қимматли қоғозлар таҳлили кўникмаларига эға бўлади.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Гуруҳларда ишлаш, тақдимот, график органайзер
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, индивидуал.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, график органайзерлар.
<i>Ўқитиш шароити</i>	УТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли

Амалий машғулот технологик картаси

Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (10 дақ.)	1.1. Ўқув машғулотни мавзуси, мақсади, муҳокама учун саволлар, кўзланаётган натижалар ва машғулотни олиб бориш хусусиятларини маълум қилади. Энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб бўлишини эълон қилади. Гуруҳларда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-илова). 1.2. Талабалар билимини жонлаштириш учун жалб қилувчи саволлар беради: Қимматли қоғозларнинг синтетик ҳисоби? Қимматли қоғозларнинг аналитик ҳисоби?	Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий (65 дақиқа)	2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади. Ўқув топшириғини тарқатади. Кўзланаётган қандай ўқув натижаларига эға бўлишини аниқлайди. Иш тартиби ва регламенти, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини тушунтиради. 2.2. Гуруҳларда иш бошланганлигини маълум қилади. Кузатувчи сифатида гуруҳ ишини назорат қилади, алоҳида ишларни	Ўқув топшириқлари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Гуруҳ аъзолари жадвал тўлдирадилар.

	ташкил қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар беради, очик саволлар беради: “Нима учун худди шундай...?, Сизнингча энг яхшиси қандай?” 2.3. Гуруҳларга жадвал саволларини бўлиб ташлайди, ҳар бир гуруҳга битта саволга жавоб беришни таклиф қилади. Жадвалнинг 4 саволи бўйича барча гуруҳлар ўзларининг жавоб вариантларини беришларини сўрайди. Ўқув натижаларини шарҳлайди, топшириқни бажариш жараёнидаги қилинган алоҳида хулоса, умумлаштиришларга аҳамият беради ва гуруҳларни ўзаро баҳолашларини ташкиллаштиради.	Ўқув топшириғи бўйича гуруҳли иш натижаларини ифодалайдилар ва тақдимот вароқларини расмийлаштирадилар. Тақдимотга тайёрланадилар. Берилган савол бўйича гуруҳ фаоллари тақдимот қиладилар ва бошқа гуруҳлар аъзолари жавобни тўлдирадилар. Ўзаро баҳолайдилар.
3-босқич. Якуний (5 дақиқа)	3.1. Гуруҳларнинг ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради, ўқув фаолият натижаларини таҳлил қилади.	Тинглайдилар.

Гуруҳларда ишлаш қондаси

- Шеригингизни диққат билан тингланг.
- Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндошинг.
- Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат килинг.
- Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
- Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш оркали ўзимиз ўрганамиз;

Қимматли қоғозлар - бу қонунда белгиланган тартибда чиқарилган ва номинал қийматга эга бўлган пул ҳужжатларидир. Улар мулкчилик муносабатларини ифодалайди ва қандайдир мулк ёки пул миқдорига эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Қимматли қоғозлар дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда мазкур ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини ҳам назарда тутати.

Бошқача қилиб айтганда:

- эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи;
- дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад олишни кўзловчи;
- эмиссия қилувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги ўзаро мулкӣ муносабатни билдирувчи;

- бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи барча пулли ҳужжатлар қимматли қоғозлар деб юритилади.

Улар бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счғтлардаги ёзув кўринишида бўлиши мумкин. Улар ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида ҳам фойдаланилади. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиғрийлик асосида тарқатилади.

Қўйилган улуш шаклидан қатъий назар, қимматли қоғозлар қиймати Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида (акциялар бўйича мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) ифодаланади ва тўланади.

Таснифлаш белгилари	Қимматли қоғозлар турлари
Амал қилиш муддати	Муддатли қимматли қоғозлар (қисқа, ўрта ва узок муддатли). Муддатсиз қимматли қоғозлар (абдий)

Келиб чиқиши	Бирламчи қимматли қоғозлар, активларга асосланада ва унга қимматли қоғозларнинг ўзи кирмайди (акция, облигация, вексель ва б.). Иккламчи қимматли қоғозлар - бирламчи қимматли қоғозлар асосида чиқарилади (қимматли қоғозларга варрантлар, депозитар тилхатлар ва б.).
Мавжудлик шакли	Қоғозли ёки ҳужжатли қоғозсиз, ёки ҳужжатсиз
Миллий мансублиги	Миллий, хорижий
Фойдаланиш типи	Инвестициявий, яъни капитал қўйилмалар объекти сифатидаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, фьючерс ва б.) Ноинвестициявий, маҳсулот ва бошқа бозорларда ҳисоб китобларга хизмат килувчи қимматли қоғозлар (вексель, чек, коносаментлар)
Эғалик қилиш тартиби	Такдим этувчига тегишли қоғозлар. Қимматли қоғозлар эгасининг номи ёзилмаган ва мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқлаш ва рўёбга чиқариш учун уларни такдим этишнинг ўзи етарли ҳисобланади. Номли қимматли қоғозлар. Бундай қоғоз эгаларининг ҳуқуқлари қоғоздаги матнда эгасининг номи кайд этилиши ва бундай қоғозларни рўйхатга олиш китобида тегишли ёзувлар мавжуд бўлган ҳолда тасдиқланади
Чиқариш шартлаи	Эмиссион қимматли қоғозлар, одатда йирик партия ва кўп миқдорда чиқарилади ва ҳар бир сериядаги қимматли қоғозлар мутлоқ бир хил бўлади Ноэмиссион қимматли қоғозлар - кичик ҳажмда ёки доналаб чиқарилади.
Мулкчилик шакли	Давлат қимматли қоғозлари, Нодавлат қимматли қоғозлари: корпорациялар (корхона, ташкилот ва банк муассасалар ёки жисмоний шахслар) томонидан чиқарилади ва муомалага киритилади.
Муомалада бўлиш характери	Бозор ва нобозор қоғозларига бўлинади. Бозор қимматли қоғозлари биржа ва биржадан ташқари муомалада эркин олди-сотди қилинади ва эмитентга муддатидан олдин қайтарилиши мумкин эмас. Нобозор қимматли қоғозлар иккиламчи муомалага киритилмайди-, лекин эмитентга муддатидан олдин қайтарилиши мумкин
Таваккаллик даражаси	Тавккалсиз, кам таваккалли, таваккалли.
Даромади	Даромадли, даромадсиз.
Маблағ кўйиш шакли	Қарз қоғозлари - катъий фоиз ва қайтариш муддатига эга қимматли қоғозлар (облигация, вексель, банк сертификати) Эғалик улушини тасдиқловчи қимматли қоғозлар - уларни чиқарган шахснинг активига мулкӣ эғалик қилиш ҳуқуқи (акция, варрант, коносамент ва б.)

Иқтисодий моҳияти	Акция, облигация, вексель ва б.
Муомала шакли	Конвертирланадиган - бошқа қимматли қоғозлар (акция, облигация) билан чиқариш шартларига мувофиқ эркин айирбошланади. Конвертирланмайдиган-оддий ва бошқа қимматли қоғозлар билан айирбошланмайди.
Активлар билан таъминланганлик	Тъмииланган қимматли қоғозлар- активлар (мулк, қимматли қоғозлар) билан таъминланади. Таъминланмаган қимматли қоғозлар.
Даромад олиш усули	Тебранувчи (сузувчи) даромад олиш-банк фоизи, баҳо индекси, инфляция ва валюта курси ўзгаришига боғлиқ. Қатъий даромад келтирувчи қимматли қоғозлар - чиқариш пайтида эмиссия проспектида белгилаб қўйилган.
Даромад олиш тамойиллари	Фоизсиз - даромад сотиб олиш ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқдан олинади, яъни фоизлар номинал баҳога киритилган. Фоизли- 1) купонли, 2) ютукли қимматли қоғозлар
Қоплаш муддатини тартибга солиш	Муддати чўзилган(қисқартирилган)- фоиз микдори оширилган (камайтирилган) ва қоплаш муддати кечиктирилган (қисқартирилган) облигацияларга алмаштириш мумкин Серияли - фоиз ставкасини камайтириш билан бир вақтда босқичма-босқич қоплаб борилади.

Молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида ҳал этиладиган вазифалар.

Аудиторнинг вазифалари	Текшириладиган масалалар
1. Молиявий қуйилмаларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ҳолатини текшириш.	Корхона активларини молиявий қуйилмалар каторига олиб боришнинг тугрилиги. Муамалаларини ҳужжатлаштиришни текшириш. Молиявий қуйилмаларни баҳолашнинг тугрилиги. Молиявий қуйилмаларни инвентаризация қилиш. Бухгалтерия ҳисоботи курсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги.
2. Молиявий қуйилмалар ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга доир муомалалар синтетик ҳисобининг туликлиги ва тугрилиги ҳамда солиқ қонунчилигида риоя қилинишини текшириш.	Молиявий қуйилмалар қирими ва ҳисобдан чиқармалишини синтетик ҳисоб регистрларида акс эттириш. Қимматли қозлар аналитик ҳисобини ташкил этиш. Молиявий қуйилмаларини ҳисобдан чиқаришга доир муамолар буйича солиқ қонунчилигида риоя қилиниши. Қимматли қозлар қадрсизланишининг олдини олиш мақсадида резерв ташкил этишга доир муаммолаларни акс эттириш. Қарз шартномаси буйича берилган маблаглар ҳисоби.

3. Молиявий куйилмаларига доир даромадларининг тулик акс эттирилиши ва уларнинг соликка тортилишини текшириш.	Хисобланган даромадларини акс эттириш. Ушбу муамамаларни соликка тортишнинг тугрилигини текшириш.
---	---

Молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувда фойдаланиладиган **ахборот манбалари** куйидагиларни уз ичига олади:

- молиявий инвестицияларни Бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва соликқа тортишни, ҳамда аудиторлик текширувидан ўтказишни тартибга соладиган меъёрий ҳужжатлар;

- бухгалтерия ҳисоботлари;

- корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи;

- молиявий инвестицияларни ҳисобга оладиган синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари;

- молиявий инвестицияларни акс эттирадиган дастлабки ҳужжатлар.

Корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи бўйича аудитор куйидагилар билан танишиши мумкин:

- бошқа корхоналарнинг устав капиталида иштирок этишдан олинган даромадларни оддий ёки операцион фаолиятдан олинган даромадлар қаторида тан олиш;

- молиявий инвестицияларни акс эттириш учун фойдаланиладиган ишчи счётлар режаси;

- қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби шакли ва корхона бухгалтериясида тузиладиган ҳисоб регистрлари рўйхати;

- молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш билан боғлиқ дастлабки ҳужжатларнинг ҳужжатлар айланиши (ҳужжатлар айланиш графиги) билан;

- корхонанинг молиявий инвестициялари, қарз шартномаларини расмийлаштирилшга рухсат этилган шахслар рўйхати; молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш учун корхона томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастлабки ҳужжатлар шакллари;

Маъруза ва амалий машғулотлар методикаси.

Касб хунар коллежларида талабаларга бухгалтерия ҳисобини ўқитиш бирмунча мураккаблиги билан ажралиб туради. Чунки бунда таълим бериш жараёни ўқитувчининг жуда кўп миқдордаги ахборотни ўзлаштирган бўлишини талаб этади.

Қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити мавзусини КХКда ўқитишни куйидагича ташкил этиш мумкин:

Вақт тақсимооти:

1- босқич тайёрлов- 5 мин.

2- босқич даъват (чакирув) - 15 мин.

3- босқич англаш - 37 мин.

4- босқич мулоҳаза (фикрлаш) -20 мин.

5- босқич уйга вазифа - 3 мин.

Берилган мавзуни олиб боришни куйидаги режа асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ

Ўқув материаллари:	Дарснинг аниқлаштирилган мақсади:
• Илгор педагогик технологиялар • Дарисликлар. • Тарқатма материаллар.	Мавзуни ўзлаштиргандан сўнг талабалар: • Қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити моҳиятини тушунади

• Ёпишқоқ лента • Дафтар,ручка,қоғозлар. • Плакатлар.	• Қимматли қоғозлар ҳисобининг хусусиятлари ўрганади • Қимматли қоғозларнинг сиртетик ва аналитик ҳисобларда акс эттирилишини кўрсатиб беради • Қимматли қоғозлар аудити қандай амалга оширилишини ўрганади
---	---

Таянч-сўз ва иборалар : Ҳисоблар режаси, меҳнат, иш ҳақи, аналитик ҳисоб, синтетик ҳисоб, аудит, натижаларни расмийлаштириш.

Дарснинг бориши

Маъмулот босқичлари	Педагог	Талаба	Назорат
Тайёрлов босқичлари	• Тингловчиларни хонага таклиф қилади. • Ташкилий қисмдан сўнг талабаларни «тўп ўйинига» таклиф қилади. (Ўйин методикаси тушунтирилади). • Ўйин тугагандан сўнг талабаларга рақамлар ёзилган карточкалар таклиф этилади, уларнинг ўз рақамларига мос ҳолда 1,2,3,4 рақамлар ёзилган стол атрофига жойлашиб кичик гуруҳларга уюштилади. • Дарснинг мақсади мавзуси кутилаётган натижани эълон қилади, зарур бўлса унга тузатишлар киритиб, тўласигача яқдиллик билан қабул қилинишини таъминлайди.	• Талабалар педагог буйруқларни тез ва чакқонлик билан бажарадилар. • Талабалар гуруҳларга бўлингандан сўнг стол атрофида ўз-ўз жойларини эгалашиб, дарсга тайёр эканликларини билдиради. • Талабалар ўрганилаётган мавзунинг дафтарларига ёзишади, ўзлари учун дарсдаги ўз ишлари мақсади ва натижаларини белгилашади. • Ўз мулоҳазаларини билдиради.	
Даъват (чақирув)	Саволлар беради:	Жавоб беради:	Жавоблар баҳоланиб борилади
	1. Қимматли қоғозлар ҳисобининг аҳамияти ва моҳияти.	Корхона фаолиятида Қимматли қоғозларнинг аҳамияти каттадир, чунки у корхона ривожланишига таъсир этади ва молиявий масалалар ҳал этилишини таъминлайди.	
	2. Қимматли қоғозлар ҳисобининг хусусиятлари.	Қимматли қоғозлар синтетик ва аналитик ҳисоби юритилишини тавсифлаб беради.	

	3. Қимматли қоғозлар баҳоланишини асослаб беринг.	Қимматли қоғозлар баҳоланишини асослаб беради.	
	4. Қимматли қоғозлар аудити йўналишларини тавсифлаб беринг.	Қимматли қоғозлар аудити йўналишларини тавсифлаб беради.	
Англаш	Тингловчиларга маърузалар матни тарқатилади ва уни гуруҳларда инсерт стратегиясидан фойдаланиб ўрганишни тавсия этади. «Инсерт» жадвалини тўлдириш мазмунини тушунтирилади. • менинг фикрларимни тасдиқлайди; • янги ахборот менинг билганимга зид; • янги маълумотлар билишни хоҳлайман.	Тингловчилар гуруҳларда матн билан танишади, қалам билан унинг ҳошияларига белгилайдилар ва қуйидаги жадвални тўлдирадilar. Инсерт жадвалини тўлдириш бўйича тажриба матнини ўқиш вақтида олинган билимлар билан ўртоқлашишади. Матн билан ишлашда нима ноаниқ бўлгани ва ўйлантириб қўйгани ҳақида ўз фикрларини айтади.	Жавоблар баҳоланади
Фикрлаш	-5 минут. Мустақил иш бажарилади -талабалар эътиборига плакатлар намойиш этилади, кластер тузилади. Ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига улар тузган кластер бўйича якун ясалади, рағбатлантирилади	Талабалар саволларга жавоб берадилар. Дафтарларига плакатдан олинган маълумотларни ёзиб оладилар. Савол бўйича “Кластер” тузадилар	Жавоблар баҳоланади
Уйга вазифа	1. Иш тҳақининг меърий-ҳуқуқий асослари	Берилган топшириқларни бажарадилар.	

Хулоса

Корхонанинг вақтинча бўш тўрган пул маблағларидан самарали фойдаланиш усулларидан бири - бу уларни қимматли қоғозлар сотиб олишга йўналтиришдир.

Маблағларни қимматли қоғозларга йўналтириш ўз тавсифига кўра юқори таваккалчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, таваккалчилик даражасини имкони борича пасайтириш мақсадида эмитентнинг молиявий ҳолатини ва бозор конъюнктурасини билиш фонд биржаси маълумотларини мунтазам равишда мониторинг қилиб туришни тақозо этади.

Кимматбаҳо коғозларни сотиб олиш, ҳисобда “Киска мудатли инвестициялар” ва “Узок муддатли инвестициялар” ҳисобларининг дебетида сотиб олиш киймати ва у билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилади. Агар инвестициялар хусусий капитал акцияларининг чиқарилиши ҳисобига жалб килинса, у ҳолда инвестицион кимматбаҳо коғозларнинг киймати бўлиб уларнинг номинал киймати эмас, балким ҳақиқий киймати ҳисобланади. Агар инвестициялар бошқа активларга айрбошлаш орқали олинса, у ҳолда уларнинг киймати берилган активнинг ҳақиқий киймати бўлади.

Облигациялар ва шу каби қимматли коғозлар инвестор томонидан балансда активлар ҳисобида сотиб олиш киймати бўйича акс эттирилади. Агар сотиб олиш киймати номинал киймат (тулаш киймати)дан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш киймати ва номинал киймати орасидаги фарқ (устама ёки чегирма) суммаси, облигациялар чиқарилган муддат давомида ҳисобдан чиқарилади. Устаманинг ҳисобдан чиқарилиши киска ва узок мудатли инвестициялар ҳисобларининг кредитланиши билан, чегирмалар эса ушбу ҳисобларнинг дебетланиши билан амалга оширилади. Чунки, облигацияларнинг туланиш давригача уларнинг баланс киймати номинал кийматга тугри келиши керак. Облигациялар бўйича устамалар ва чегирмаларнинг ҳисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар бўйича ҳисобланган фоиз даромадларининг даврийлигига мос келади. Берилган ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган чегирма, устама суммалари фоиз даромади ёки харажати деб классификацияланади.

Кимматбаҳо коғозлар бозорини таҳлил қилиш юқоридагилар билан чегараланиб қолмайди. Портфель ҳолатини у уз олдида қуйган мақсадга эришиш, рисклар ва ликвидлик даражасини баҳолаш, хусусийлаштириш жарағини тайғрлаш ва амалга ошириш каби ҳатти-ҳаракатлар ҳам портфелни бошқариш операциясининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

1. кимматбаҳо коғозларни сотиб олиш асосида инвестиция қилиш. Бу операцияни амалга ошириш учун олдиндан махсус фондлар ёки алоҳида ҳисобларда пул маблағлари аста-секин жамғарилиб борилади.
2. кимматбаҳо коғозларни тайғрлаш, муомалага чиқариш ва бирламчи тарқатишни ташкил этиш.
3. кимматбаҳо коғозларни бевосита сотиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар.
4. кимматбаҳо коғозлар эгаси алмашишига олиб келиши мумкин бўлган айрим ҳодисалар(масалан, алмашув, совға қилиш, меросга бериш ва ҳ.к.),
5. кимматбаҳо коғозлар бозорини таҳлил қилиш.
6. кимматбаҳо коғозларни зарур ҳолларда гаров сифатида ишлатиш.
7. кимматбаҳо коғозларлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш
8. кимматбаҳо коғозларни қарзга бериш ёки қарзга олиш.
9. кимматбаҳо коғозларларни сугурта қилиш.
10. кимматбаҳо коғозлар бўйича эҳтимол тутилган зарарларни қоплаш мақсадида захира ташкил қилиш ва ишлатиш.
11. Бузилган, йўқолган кимматбаҳо коғозларни алмаштириш.
12. кимматбаҳо коғозларни операциялари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш.
13. кимматбаҳо коғозларнинг бир турини бошқа бир турига алмаштириш.

14. кимматбаҳо коғозлар портфелини бошқариш билан боғлиқ маҳкамавий ишларни бажариш.

Касб ҳунар коллежларида талабаларга бухгалтерия ҳисобини ўқитиш бирмунча мураккаблиги билан ажралиб туради. Чунки бунда таълим бериш жараёни ўқитувчининг жуда кўп миқдордаги ахборотни ўзлаштирган бўлишини талаб этади.

Қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити мавзусини КХКда ўқитишни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

Вақт тақсимооти:

- 1- босқич тайёрлов- 5 мин.
- 2- босқич даъват (чақирув) - 15 мин.
- 3- босқич англаш - 37 мин.
- 4- босқич мулоҳаза (фикрлаш) -20 мин.
- 5- босқич уйга вазифа - 3 мин.

Талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилишда тайёр стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қилишга ундаш, талабалар ички ҳиссиётларини юзага чиқариб, уларни мантиқий фикрлашга чорлаш, уларни солиштириш, хусусий аналитик фикр юритишга ўргатиш, талабалар интеллектуал, зукколик хислатларини шакллантириш ва маълум йўналишда янада юқори даражада ривожлантириш мақсадида муаммоли услубдан фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 1993 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т. Адолат. 2008 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. Адолат. 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. 2000 йил 26 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори: “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” Низом. 1999 йил 5 феврал.
9. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
10. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
11. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
13. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
14. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
15. Андерсон Г., Нидлз Б., Кодвелл Д. Принципў бухгалтерского учета. Москва. “Финансў и статистика” 1993.
16. Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит: Пер. с англ. М.: Финансў и статистика, 1995.
17. Воҳидов С., Воҳидов Т. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби. Т.:ТДИУ, 2000.
18. Гадоев Э.Ф., Югай Л. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи., 1996.
19. Жураев Н. Яроқсиз маҳсулотлар ва йўқотишлар ҳисоби ва назорати. Иқтисод ва ҳисобот. №10-12.1995.
20. Жураев Н. Учет и контроль издержек процесса реализации. Сельское хозяйства Узбекистана. №2. 1996.
21. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувчилар учун қўлланма. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ нашриёти. 2004 й..
22. Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: Ўзбекистон, 1993,

23. Ower L.I., Bown I.L. Waldoh's Cost Accounting Maghonid Evans. London, 1970
24. Moriarty Sh., Allen C.P. Cost Accounting - Cambridge etc. Harper and Row. 1984.
25. <http://www.mf.uz/>
26. <http://www.gov.uz/uzbekistan/transportation/>
27. http://www.gov_stat.uz
28. <http://www.referat.ru/economy/management/>